

**Меҳри
борнинг
сеҳри бор.**

Ўзбек халқ
мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 9-oktabr, shanba № 79 (8312) ISSN 2010-6416

МЕХР-ЛА БЕРИЛГАН БИЛИМ

Жорий йилда Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи негизида янги умумтаълим мактабининг барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани нафақат педагогларга, балки азиздан-азиз болажонларга ҳам чинакам совға бўлди. Бу ерда ўқувчилар чуқур билим олиши, иқтидор ва истеъдодларини ҳар томонлама ривожлантириб бориши учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ синфхоналар замонавий усулда жиҳозланиб, зарур кўргазмали ва ўқув куроллари билан таъминланган.

Таълим муассасасида 23 нафар педагог 150дан ортиқ ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда. Бу ерда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бирга шаҳардаги умумтаълим мактабларидан саралаб олинган иқтидорли ўқувчилар ҳам фан сирларини кунт билан ўрганаётир.

— Таълим масканига танлов асосида ишга қабул қилингандим, — дейди ушбу мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Бибиҳол Каримова. — Ҳар бир дарсни ўқувчилар учун қизиқарли бўлган дидактик ўйинларга бой интерфаол усулларда ўтишга ҳаркат қилаяпман. Шу билан бирга уларни юртимизнинг ўтмиши, бугунги гўзал қиёфаси ва аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, сўнмас жасоратлари билан яқиндан таништириб бораман. Бу эса ёшларни мустақил фикрлашга ўргатади, дунёқарашини кенгайтириб, қалбларига ватанпарварлик туйғусини сингдиради.

Бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериш педагогдан катта масъулият, сабр-қаноат ва иродани талаб этади. Чунки, болаларнинг мактабга илк қадам қўйган даврда олган билими келажагини белгилашда муҳим омил бўлади. Ўқитувчи эса ҳар бир дарсни ўтаётганда мурғак қалбли болага билим билан бирга меҳр ва эътибор бериши керак.

ёшларни камолот сари етакламоқда



Зеро, таълим билан тарбияни уйғун олиб бориш педагогиканинг энг муҳим талабларидан биридир.

Мустақилликкача педагогларга бугунгидек эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмаган. Меҳнатимиз муносиб баҳоланиб, моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Буларнинг барчаси бизни нурафшон келажагимиз — ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга даъват этаётир.

МУХБИРИМИЗ

И.ТЎРАЕВ ва **Ф.АБДУРАСУЛОВ** (Ўза)
олган суратлар.

ИЛК ҚАДАМДАН ЭЗГУЛИККА



Qutlug' ostona

Бошланғич таълим — бола камолотига пойдевор. Буни тўғри англаган Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Амина Аҳматова дарс жараёнида бор маҳоратини ишга солади. Ўқувчиларининг кичик фан олимпиадаларида фаол иштирок этиши ва муваффақият қозониши ҳам мана шу маҳоратнинг натижасидир. 21 йиллик иш тажрибасига эга бу ўқитувчи "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида ўзининг иқтидорини яна бир қарра намойиш этди.

— Илк бор мактаб партасига келиб ўтирган боланинг ўқувчиликка мослашуви осон кечмайди. Турли ўйинлар воситасида дарсларни ташкил қилиш уларда ўқишга бўлган қизиқишни оширади. Бошланғич таълимда ҳар бир фан пухта ўзлаштирилиши шарт. Ўқитувчининг "Бу ўқувчим она тилини яхши ўзлаштирамас, математикага қизиқпти-ку" ёки "Ҳозир ўзлаштиришга қийналяпти, эрта-индин етказиб олади", деб ўзини юпатишга ҳаққи йўқ, — дейди у.

Суратда: **А.Аҳматова** 1-синф ўқувчиларига дарс бермоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА

ДАРСЛИКЛАР ТАЪМИНОТИ:

эришилган
муваффақият ва
навбатдаги
вазифалар

5-бет

СЕНГА ТАЪЗИМ, МЕХРУ МУҲАББАТ!

7-бет

ФАОЛИЯТИНГИЗ КЎЗГУСИ

у қанчалик тиниқ
бўлса, истиқболингизни
шунчалик ойдин
кўрсатади

8—9-бетлар

БИР УМРЛИК РАҒБАТ

11-бет

Меҳрибонлик
уйи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайти-

риш ва ҳажмларини кўпайтириш дастурларининг, инвестицион лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

2010 йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 1 триллион 924 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Усиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 116,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 925,4 миллиард сўмлик (106,3 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 191,9 мил-

лион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 175,1 фоизга бажарилди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 123,8 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, йиғилишда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида миллий маънавиятимизни юксалтириш орқали менталитетимизга хос бўлмаган иллатлар келиб чиқилишининг олдини олиш, ёшларни спортга жалб этиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда

жиҳозлаш, уларни юқори ма-лакали мураббий кадрлар билан таъминлаш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, архив ишини такомиллаштириш, марказий давлат архивларини реконструкция ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишининг ҳолати, қозғони тежаш ва ундан

оқилона фойдаланишнинг аҳволи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигида "ZiyoNET" ахборот таълим порталини ўқув-тарбиявий ресурслар билан бойитиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган устувор вазифалар ижросини йил якунига-ча сўзсиз таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган кўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Ўқитувчи ҳар бир машғулоти кизиқарли ўтишини таъминлаш учун ўз фани бўйича энг сўнги янгиликлардан хабардор бўлиши, кўргазмаларни қуроллардан ҳам фойдаланиши зарур. Бу ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Учтепа туманидаги 295-мактаб ўқитувчилари ушбу масъулиятни яхши англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.



Мактабнинг кўпйиллик тажрибага эга бошланғич синф ўқитувчиси Бодомхоним Алиева (1-расм) илм масканига илк қадам кўйган ўқувчиларнинг нутқи раван бўлишига, илк сабоқларни пухта ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



Яна бир бошланғич таълим муаллимаси Нодира Ирсалиева (2-расм) дарс давомида ҳар бир бола билан индивидуал тарзда машғулот олиб боришга ҳаракат қилади.



Мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Гулчеҳра Ҳақимова (3-расм) дарсларни ноанъанавий усулда ташкил этиб, кўргазмалар воситалардан унумли фойдаланади.

Суратларда: Таълим муассасаси ўқитувчилари дарс жараёнларидан лавҳалар акс этган.
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Жиззах вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жиззах вилояти болалар шифохонаси негизда болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган, даволаш ишлари янги сифат босқичига кўтарилди. Тиббий муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Кўшимча юз ўринли ошхона, кунига 130-140 беморни қабул қиладиган поликлиника, жарроҳлик ва рентген бўлимлари қурилди, пульмонология, неврология, алергология, ортопедия, лор ҳамда оналарни соғломлаштириш бўлимлари янгидан ташкил этилди. Болалар поликлиникаси замонавий УЗИ, ФГДС, ЭКГ, рентген, аудиограмма аппаратлари, биохимик анализаторлар билан тўлиқ жиҳозланди. Шунингдек, бу ерда 15 турдаги муолажа амалга оширилаётган физиотерапия хонаси фаолият кўрсатаётган. Сўнги уч йилда марказ шифокорлари томонидан 116 минг 737 нафар ўғил-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланган болалар билан самарали соғломлаштириш ишлари олиб борилди. Даволашда замонавий усуллар қўлланилаётгани болалар ва ўсмирлар ўртасида ногиронликни кескин камайитириш имконини бераётган.

Марказда ижтимоий муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жиззах шаҳридаги 29-Мехрибонлик уйи, 32-махсус мак-

таб-интернат, Бўстон шаҳарчасидаги махсус мактаб-интернат, Зомин туманидаги мурувват уйи тарбияланувчиларидан 400 нафари бу ерда тиббий кўриқдан ўтказилиб, ўнлаб ўғил-қизларнинг саломатлиги тикланди.

Марказда врачларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш борасида ҳам изчил иш олиб борилмоқда. Бу ерда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмағида ўқув курси очилиб, вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг 560 нафар врач ҳамда ўрта тиббиёт ходими билим ва кўникмаларини оширди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)

билан ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси бўйича ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

"Баркамол авлод йили"да вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини капитал реконструкция қилишга 1 миллиард 37 миллион сўм маблағ ажратилиб, айна кунларда реконструкция ишлари қизғин давом этаётган.

Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қамрови кенгайиб бораётган, — дейди Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Холида Алимова. — Муассасамиз шифокорлари узок қишлоқларда даволаш-профилактика ва тиббий-тарғибот ишларини яхшилашда фаол иштирок этмоқда. Врачларимиз Арнасой, Баҳмал, Зомин, Фориш, Галлаорол, Янгибод туманларида бўлиб, аёллар, болалар ва ўсмирлар ўртасида сурункали касалликларнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

ТЕГИШЛИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ҳар жабҳада бўлгани каби таълим соҳасида ҳам ислохотлар изчиллик билан олиб бориляпти.

Хусусан, жорий йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан умумий ўрта, ўрта махсус, каб-хунар таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларни ўқувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларига кўра оптималлаштирилган ҳолда таълим узлуксизлиги таъминланмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 8 июндаги «Олий, ўрта махсус ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари ҳамкорлигини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Унда ҳудудлардаги таълим муассасаларининг узлуксиз таълим тизимини мазмунан такомиллаштириш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат

босқичига олиб чиқиш мақсадида етакчи олий таълим муассасаси — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети базасида Тошкент шаҳридаги таълим масканлари раҳбарларидан иборат Мувофиқлаштирувчи Кен-

Jarayon



гаш тузилди. Кенгашнинг 1-таъсис йиғилиши университетнинг маданият саройида бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан ҳудудий Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, унинг 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган иш режаси ҳамда 3 йиллик истиқболли фаолият дастурини қабул қилиш ва турли масалалар ўрин олди. ЎзМУ ректори, профессор Фафуржон Муҳаммедов раислик қилган ушбу йиғилишда ҳудудлардаги таълим муассасаларининг узлуксиз таълим тизимини мазмунан такомиллаштириш ва

таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат кўрсаткичлари даражасига олиб чиқиш нақадар долзарблиги ҳақида атрофлича фикр юритилди. Кун тартибидан кенгаш иш режаси ва дастури мажлис қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Кенгашнинг иш тартиби келишиб олинди. Унинг 1-таъсис йиғилишида «Устоз-шоғирд» тизимидаги ОТМ профессор-ўқитувчиларнинг мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўриндошлик асосида дарс беришларни ташкил этиш, таълимнинг куйи бўғинида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш, уларни мақсадли аспирантура ёки докторантурага тақлиф қилиш сингари мулоҳазалар ўртага ташланиб, узлуксиз таълим тизими ҳамкорлигини янада самарали ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди.

Анвар ҚОБИЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири



Урганч давлат университетидида индигофера ўсимлигининг янги нави яратилди.

Одамзодга ато этилган имкониятларнинг чексизлигини кўриб ақллар-да лол қолади. Инсоннинг сеҳрли кўллари ва теран ақли натижасида яратилган, ер юзининг кўрки саналган гўзалликлар, маҳобат ила сайқалланган бунёдкорликлар, ижодкорликлар тафаккур мевасидир!

Tashabbusning qanoti



қадим замонлардан ишлатилганлиги хусусида маълумотлар бор.

Индигоферанинг биомасса ҳосилдорлиги деградацияга учраган, ўта даражада қаттиқ шўрланган тупроқларда ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 120-180 центнерга етиши синовдан ўтказилган. Бу ўртача 12-18 тонна яшил биомасса деганидир. Уни қуритиб бўёқ олиш учун ҳар гектардан ўртача 4-6 тонна қуруқ масса тайёрлаш мумкин. Бу — ҳар гек-

Хўш, индигодан бўёқ пигменти қай тариха олинади?

— Бўёқ пигментини ҳосил қилиш учун ўсимлик ўриб олиниб сувда ораста қилиб ювилади ва соя жойда қуритилади. Лекин, ўсимликни қуритмасдан ҳам яшил биомассадан бўёқ олиш мумкин. Бу хилдагиси қуритилганига қараганда вақтни кўп талаб этади. Қуриган барг массасининг фаоллиги яхши натижа беради. Индиго, ўсимлигининг баргида индикан моддаси шаклида тўпланади, — дея саволимизга тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қилади О.Раҳимов. — Уни ажратиб олиш учун йиғилган барг сувда эзилиши даркор. Бундай ҳолатда индикан таркибидаги модда сув билан бирикиб индооксилга айланади. Вақт ўтиши билан сувда эзиш жараёнида ажралиб чиқадиган индоксил атмосфера ҳавосидаги кислотанинг таъсирида чўкма ҳолатидаги индиго пигментига айланади.

Тажриба сифатида олинган бўёқ пигментлари билан ипак, жун ва пахта толаси бўялиб, матолар ишлаб чиқарилганида бу маҳсулотларга соҳа мутахассислари юксак баҳо беришганлигини таъкидлайди кашфиётчи.

Хивадаги Оллоқулихон мадрасасининг ранглари ҳам индиго бўёғига бўялганлиги аниқланган. ЮНЕСКОнинг Оллоқулихон мадрасасида жойлашган хунар марказида индиго бўёғидан ранг олган матолар кўзни қамаштиради.

Янги нави яратиш ишига улкан ҳисса қўшган Озод Раҳимовнинг фойдали кашфиётларидан кўнги қувонади. Яратиш ва яхшилик, ижодкорлик туйғуларига ҳамоҳанг нафас олаётган устознинг ниятлари улғу, мақсадлари эзгу. Табиий бўёқ олинадиган ўсимликни кўплаб етиштириш, ундан юқори ҳосил олиш ҳақида гапирари у.

Хуллас, Озод Раҳимов ва унинг шогирдлари изланишлари ва интилишларига қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар катта қизиқиш билан қарашаётир.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

КАШФИЁТ

ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳатто инсон саломатлиги учун ҳам фойдали

Индигофера ўсимлигининг янги нави яратган замондошларимизнинг кашфиёти эзгуликка эш бўлди. Илло, мазкур ўсимликдан олинадиган табиий бўёқнинг қадри гавҳарга тенг бойлиқдир!

Янги кашфиёт ҳақида унинг заҳматкашлари фикрини билишни истадик:

— 2005 йили ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан «Узиндиго» лойиҳаси бўйича Хоразм вилоятида мазкур ўсимликни ўстириш гоёси қизиқиш билан кутиб олинди. Шундан сўнг, УрДУнинг тажриба участкасида фаолият олиб бораётган ZEF/ЮНЕСКО вакиллари менга индиго ўсимлиги ва ундан олинадиган бўёқ ҳақида гапириб, ўсимликни воҳа шароитига мослаб ўстириш ҳақидаги тақлифни айтиб қолишди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди О.Раҳимов. — УрДУ ўқув-тажриба хўжалигида 2006 йили дастлаб кичик майдончаларда шўрланган, унумдорлиги паст майдонда кузги бугдой ўриб олингандан кейин индиго уруғи тажриба сифатида экиб кўрилди. Экин бегона ўтлардан ўз вақтида тозаланди, озиклантирилди. Такрорий экин сифатида экилган майдонларда ўртача ҳар гектар ҳисобига 100—120 центнер атрофида ҳосил олинди. Такрорий экин сифатида ўсимликни етиштиришнинг афзаллиги шундаки, ортиқча ер талаб қилинмайди, гоёят қисқа даврда катта даромад олиш мумкин.

Янгиликка қўшқанот бўлганлар кўпайди. Мазкур лойиҳа бўйича илмий иш ёклашга орзумандлар сафи ортди. — Тропик минтақа ўсимлиги саналган «Indigofera»нинг баргидан олинадиган бўёқни «Бўёқлар қироли» деб аташади,

— УрДУ «Барқарор тараққиёт ва экологик таълим» кафедраси мудири Озод Раҳимовнинг эътирофини қоғозга ёзиб олишга шошаман. — Бундан бир неча асрлар муқаддам ҳам индиго ўсимлигидан олинадиган мовий ранг берувчи табиий индиго бўёғидан фойдаланишган. Мазкур бўёқнинг бир килограмм нархи Европа давлатлари бозорларида 240-250 евро миқдориди баҳоланган. Бизда эса унинг ўртача баҳоси 70.000 сўмни ташкил этади.

Хўш, индигофера ўсимлигининг қандай биологик хусусиятлари бор? «Indigofera tinctoria L.» дукқақдош ўсимликлар турига киради. Унинг бўйи 1-, 1,5 метр келади. Бутасимон шаклдаги ўсимликнинг барглари узун бандли тоқ патсимон, гуллари қизил рангли...

— Мазкур ўсимликнинг ташқи кўринишини ўзимизда ўсадиган бўён — аччиқмиядан фарқлаш қийин, — изоҳлайди суҳбатдошим. — Индигонинг шифобахш хусусияти — ерларнинг кучли шўрланганлик даражасини тезда бартараф қилади. Ундан камалак мисол товланадиган етти хил табиий ранг олиш мумкин. Сунъий бўёқлар ишлатиладиган тўқимачилик саноати фаолиятига индигодан олинган табиий бўёқлар кенг кириб борса, инсон саломатлиги учун гоёят

фойдали амалий эзгулик қилинган бўларди. Табиий бўёқлар экологик тоза маҳсулотдир, индигодан олинган бўёқлар билан рангланган матолар минг йиллар ўтса ҳам ўзининг рангини йўқотмайди. Унумдорлигини йўқотган, шўрланган ерларга индиго экилса, ер майдонининг экологик хусусиятини яхшилайди, тупроқда чиринди миқдорини оширади, азотни кўпайтиради. Илдизидида туганак бактериялар беда ўсимлигиникига нисбатан уч баравар кўп. Бугунги кунда туганак бактерияларни бошқа ўсимликларга юктиришни ўрганаёмиз.

Сизга тарихдан бир мисол айтадиган бўлсам, Миср фиръавни Тутанхамоннинг мазкур бўёқдан ранг олган либослари 3,5 минг йил ўтган бўлса ҳам асл рангини сақлаган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоийнинг чопони ҳам шу рангга бўялганлиги ҳақида етарли асослар бор. Шунингдек, фармацевтика соҳасида индигонинг хусусиятлари ҳақида тарихий-илмий манбаларда яхшигина тафсилот берилган. Тери рақини, жигар хасталигини (жигар сўлиши) даволашда



тар унумдорлиги паст ерлар ҳисобига ўртача 60-100 килограмм бўёқ пигменти олиш, бундан ташқари, бир-икки йилда унумсиз майдоннинг унумдорлигини яхшилаш мумкинлигини кўрсатади.

Устоз ўзининг издошлари кўпаяётганлигидан мамнун бўлади. Ёш, тиришқоқ ва зехнли, салоҳиятли шогирдларининг янгилик яратиш йўлидаги гоёларини кўллаб-қувватлайди. «Индигофера ўсимлигини иклимлаштириш» (Хоразм вилояти мисолида) мавзусида илк бор номзодлик диссертациясини ёклашга ҳозирлик кўраётган Ғайрат Ёқубовнинг изланишлари устозни беҳад қувонтиради.

ШАВКАТЖОН "ФИЗИК", БИБИГУЛ "ЛИРИК" БЎЛДИ

ёхуд фан тўғарақларини танлашнинг мезонлари хусусида

Ҳар бир ўқувчининг ўй-хаёлини мудом банд қилиб турадиган бир савол бор: "Қим бўлсам экан?". Ушбу саволнинг жавоби инсон келажагини қуришда катта аҳамиятга эга.

Бир пайтлар болаларнинг бу саволга берган жавоблари замирида фақат танланган касбнинг ҳашами, салобатига шайдолик, устунлик қилган бўлса, бугун оддий касб-хунарнинг эларо келтираётган ҳурмат-эътибори барчани қувонтирмақда.

Бугун ҳақиқатан ҳам замон ўзгарди, давр эврилди. Мустақиллик шарофатидан бугун ўрта махсус ва олий ўқув юртлари шу қадар мукамаллашиб, тараққий этмоқдаки, уларнинг исталган бири ҳақида гап кетганида, ҳар бир ёш ҳаяжонини яширолмайдди. Истиклол шарофатидан бугун касб-хунарнинг барча соҳалари ҳам юксалиб, қадр-қиммат топдики, энди иззатли-обрули

киши бўлмоқ учун, албатта, бирор амал, мартаба эгаси бўлиш шарт эмас. Қайсики соҳада, қайсики вазифада ишланган, ҳалол ва самимий меҳнатингиз сўзсиз тақдирланади.

Шундай сабабларга кўра бугунги ёш авлод олдида "Қим бўлсам экан?" деган саволга жавоб топишда муаллим-педагогнинг ўрни, чинакам устозлик мақоми билинади. Ўқитувчи ўқувчига касб танлаш бора-сида илк маслаҳатгўй, илк мураббийдир. Лекин ўқувчини бу борада тўғри йўналтириш ҳам осон эмас. Кўп йиллик иш тажрибам давомида амин бўлдимки, бу масалада тўғрақ машғулотларининг аҳамияти беқиёс экан. Шу ўринда кичик бир ҳодисани мисол тариқасида баён этиб ўтсам.

Шавкатжон исмли саккизинчи синф

ўқувчиси мен раҳбарлик қиладиган адабиёт тўғарагига қатнаша бошлади. Уни биламан — зехнли, қобилиятли бола. Дарсларни ҳаммаша аъло баҳо-ларга ўзлаштириб келган. Ахлоқи, ақл-фаросати ҳам намунали. Албатта, шундай ажойиб ўқувчи тўғарагимизга қатнашидан қувондим. Лекин машғулотлар жараёнида бир нарсига амин бўлдимки,

Mulohaza

Шавкатда адабиётдан кўра физика, кимё фанларига кучли қобилият бор, аниқ фанларнинг нозик қирраларини ўта зукколик билан англайди. Адабиёт тўғарагини ўз истеъдодига кўра эмас, оний бир қизиқиш туйғули танлаган.

Қарангки, шундай ўйлар билан юрган кунларимнинг бирида, мактабдаги физика тўғарагини бошқарувчи муаллима бир гап айтиб қолди. Унинг айтишича, физика тўғарагига қатнашувчи Биби-

гул исмли қизимизда математик тафаккурдан кўра, шеър ёзишга мойиллик, ижодий жўшқинлик кучли экан.

"Унинг машғулот ўрни сизнинг тўғарагингизда", — деб гапини яқунлади ҳамкасбим.

Мен ҳам Шавкатжон ҳақида гапириб бердим. Хуллас, иккаламиз ўзаро келишиб, ўқувчиларни алмаштириб олдик. Ҳа, тўғри қилган эканмиз. Чиндан ҳам Шавкатжон кўп ўтмай, физика соҳасида ўз иқтидорини кўрсатди. Вилоят фан олимпиадасида совринли ўринни кўлга қиритди. Бибигулнинг интилишлари ҳам ёмон эмас. Республика нашрларида ўз ижодий машқлари билан кўрина бошлади.

Худди шу кичкина тажрибам сўнгиди ўқувчиларни касб танлаш сари тўғри йўналтиришда тўғарақларнинг аҳамияти катта эканини англадим. Чунки тўғарақ машғулотлари ўқувчини янада яқиндан туриб кузатишга, унинг ички иқтидорини, интилишларини янада ёрқинроқ англашга имкон беради.

Шоҳида УБАЙДУЛЛАЕВА, Ғузур туманидаги 50-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

✓ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БАХТ ШАХРИДА 3-БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ.

Ушбу билим ва хунар масканида мингга яқин ёшлар фан, таълим, хорижий тилларни ўзлаштириш, амалий ва тасвирий санъатга йўналтирилган йигирма тўртта тўгарак машғулотларида иштирок этмоқда.

Марказ қошидаги қатор тўгараклар миллий хунар-мандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва давом эттиришга йўналтирилган эътиборга молик. Жумладан, 16-умумтаълим мактаби қошида фаолият юритаётган қуроқчилик, 13-умумтаълим мактаби қошидаги зардўзлик ва дўппидўзлик тўгаракларида юзга яқин қизлар миллий хунармандчилик сир-асорларини ўрганаётир.

Янги ўқув йилида марказда «Қизлар клуби» ташкил этилди. Ушбу клубда қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли касб соҳиблари, мутахассислар билан давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Гинеколог-шифокорлар, ҳуқуқшунослар, намунали оила бекалари, бой ҳаёт тажрибасига эга онахонлар иштирокидаги суҳбатлар ёшларнинг ҳаётий тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда «Сехрли иплар», «Нафис», «Моҳир кўллар», ёш мақомчилар, доира, рақс, дутор каби бир қатор тўгарак машғулотларида иштирок этувчилар сафи ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 71-мактаб-интернат қошидаги рақс, тасвирий санъат ва тикувчилик тўгараклари имконияти чекланган болаларнинг касб-хунар кўникмаларини эгаллашига хизмат қилмоқда.

«Туркистон-пресс»

✓ «ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ», ДЕГАН ИБРАТОМУЗ НАҚЛ БОР. БУ НАҚЛНИНГ МАЪНОСИНИ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 193-МАКТАБДА УЮШТИРИЛГАН «БИЗ НЕМИСЧА ГАПЛАШМИЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИРГА ЙИГИЛГАНЛАР ЯНАДА ТЕРАНРОК АНГЛАШДИ.

— Ушбу тадбирни ташкил этишимиздан мақсад, — дейди мактабнинг немис тили ўқитувчиси Фарида Тожиева, — ёшларимизни хорижий тилларни чуқурроқ ўрганишга ундаш, чет тили тўгаракларига ўқувчиларни кенгроқ жалб этиш, шунингдек, немис халқи маданияти, урф-одатлари, санъати билан яқиндан таништиришдан иборат.

Тадбирга мактабнинг ўқитувчию ўқувчилари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ва бошқа меҳмонлар таклиф этилди. Ўқувчиларнинг немис тилида шеър айтиб, кўшиқ куйлашлари, сахна кўринишларини мароқ билан ижро этишлари йиғилганлар эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, чет тилини тез ва осон ўрганиш учун қўлланиладиган ўйинлар, 8-синф ўқувчиларининг немис халқ мақолларининг ўзбекча эквивалентини топиб келтириш беллашуви кўпчиликка яхши кайфият улашди.

Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

✓ МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 213-МАКТАБДА «СЕНТЯБРЬ-ГЕОГРАФИЯ ФАН ОЙЛИГИ» ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Тадбирда 9-синф география дарслигининг муаллифи, география фанлари доктори, профессор, ЎзМУ «Минтақавий иқтисодий» кафедраси мудири Абдуҳаким Қаюмов, ЎзМУ география факультети «Иқтисодий ва ижтимоий» кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент Муҳаммадқодир Назаров ҳамда география фанлари номзоди Каромиддин Гадоев қатнашиб, ўқувчилар билан географиянинг сирли олами ҳақида суҳбат уюштирилди.

5-, 6-, 7-, 9-синф ўқувчилари «Табиат манзаралари», «Табиат ва инсон», «География — қизиқарли фан», «Жаҳон мамлакатлари» мавзуларида буклет, 8-синф ўқувчилари эса «Экология ва биз» мавзусида деворий газеталари билан қатнашди. Ўқувчиларнинг ижодий ишларидан бири «Оламда нима гап?» номли деворий газетасида география фанига ҳисса қўшган алломалар, бугунги кундаги географик янгилик ва муаммолар ёритилишига гувоҳ бўласиз. «Ўқинг, бу қизик» рукнида эса қизиқарли география олами билан яқиндан танишасиз.

Шунингдек, ойлик доирасида ЎзМУнинг география факультетига, Табиат музейига саёҳат уюштирилди.

Бундан ташқари, чет давлатлардан келтирилган географик экспонатлар ўқувчиларнинг билимини бойитишга хизмат қилди, десак муболага бўлмайди.

Мухлиса МҮМИНОВА

✓ ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА ХИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИМШ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Хиндистоннинг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Саид Манал Шоҳ Алҳадри, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Хинд маданияти маркази аъзолари, дипломатик марказ вакиллари иштирок этди.

Сўз олганлар мазкур шодиёна билан барчани қутлар экан, Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасида кўп йиллардан буён ўзаро дўстлик алоқалари ўрнатилгани ва бу муносабатлар ҳар икки давлат учун муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Биламизки, хинд куй-кўшиқлари, рақслари ўзбек халқига жуда таниш, қадрдон. Шу кун ҳам хинд маданият марказининг рақс дастаси ҳамда «Болливуд» гуруҳи томонидан ижро этилган хинд миллий ва замонавий рақслари кечага ўзгача руҳ бахш этди. Хусусан, хинд раққосаси ижросидаги доира рақси, Хоразм «Лазги»си ва хинд рақсининг биргаликдаги намойиши халқларимиз маданияти ва санъати нақадар яқинлигини исботлади.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



самарадорлигини
зимлиги ҳақида фикр алмашди.

Тадбир сўнгида энг яхши деб топилган бир қатор ўқитувчилар ТШХТББ фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

✓ «СЕНТЯБРЬ — ГЕОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ»НИНГ ЯКУНИЙ ШАҲАР БОСҚИСИ ФЕСТИВАЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ МЕТОДИКА МАРКАЗИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Шайхонтохур туманидаги 169-мактабда бўлиб ўтган ушбу фестивалда педагог ходимлар учун зарурий билим ва тавсиялар берилди. ТШХТББ табиий фанлар методисти Шаҳрибону Бозорованинг «Фан ойлигини ташкил этиш ўқитувчи ва ўқувчига нима беради?» ҳамда «Устоз-шогирд анъанаси — амалда» мавзуларидаги маърузаси муҳим аҳамият касб этиб, йиғилганларда қизиқарли уйғотди. Турсуной Исамухаммедова электрон дарсликлар ва методик қўлланмалардан самарали фойдаланиш усуллари ҳақида қизиқарли баҳс ташкил этди.

Муайян бир фаннинг таҳлили унинг келгуси муваффақиятларига замин яратади. Фестивалда педагоглар ўқувчилар билимининг ошириш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида фикр алмашди.

Тадбир сўнгида энг яхши деб топилган бир қатор ўқитувчилар ТШХТББ фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



✓ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 274-МАКТАБДА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ОЙЛИГИНИНГ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАНДАГИ ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН КЎРГАЗМАЛАРИ НАМОЙИШИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТДИ.

Педагогика фанлари номзоди, «Geografiya» (8-синф) дарслиги муаллифларидан бири Паёз Мусаев ҳам фестивалда қатнашиб, ўқитувчилар билан ўтказилган давра суҳбатида таълим ва тарбия бирлиги, «Маҳалла-мактаб-оила» ҳамкорлиги, фанлар интеграцияси ҳақида фикр билдирди. Туман ХТБ методика бўлими бошлиғи Мавжуда Алимова бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ойлик давомида амалга оширилган ишлар, намойиш этилган кўргазмалар билан танишиб, голибларни аниқлашди. Сўнг «Энг намунали дарс ишланмаси муаллифи», «Энг билимдон ўқувчи», «Билагон ўқувчининг устози», «Ижодкор ўқитувчи» номинацияси голибларига «Фахрий ёрлик»лар топширилди.

— Бугунги фестивал жуда мазмунли ўтди, — дейди 273-мактаб ўқитувчиси Лола Болтаева. — Айниқса, П.Мусаевнинг ўқитувчилар билан мулоқотида кўп масалалар ўз ечимини топди. Назаримда, биз фахрий устозлар, методист олимлар, дарслик муаллифлари билан доимо боғланиб туришимиз, уларнинг бой тажрибаларини ўрганиб боришимиз зарур.

Фестивалга Гавҳар Содиқова бошчилигида тайёрланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги шеърӣ композиция алоҳида файз бағишлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири
Суратда фестивалдан лавҳа акс этган.



✓ ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ЖАМИЯТИ ЮРТИМИЗНИНГ КЎПЛАБ ФАЙЛАСУФЛАРИ БИЛАН ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАМДА ФАЛСАФИЙ МАВЗУЛАРДА ҚАТОР АНЖУМАН ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИНИ ЎТКАЗИБ КЕЛАЁТИР.

ЎзМУ фалсафа факультети, ЎзРФА Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида «Ўзбекистонда ҳуқуқ фалсафаси фанининг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда файласуф, ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар иштирок этди.

Семинарда фалсафа фанлари докторлари, профессорлар Б.Тўйчиев, С.Абдухолиқовнинг мавзу бўйича маърузалари ва бошқа олимларнинг муҳокамадаги муаммолар бўйича таклиф-мулоҳазалари талабалар, аспирантлар, тадқиқотчиларнинг келгусидаги илмий изланишлари учун фойдали бўлади.

Ҳ.ФАРМОН

✓ БАРЧА РАНГЛАР АСОСИДА 3 ТА АСОСИЙ РАНГ ЭТАДИ. «АСОСИЙ РАНГ ТАБИАТДАГИ САРИК, ҚИЗИЛ, ЗАНГОРИ РАНГЛАРДИР. ШУ РАНГЛАРНИ БИР-БИРИГА ОЗМИ-КЎПМИ АРАЛАШТИРИШ НАТИЖАСИДА БОШҚА — ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ РАНГЛАР КЕЛИБ ЧИКАДИ».

Эҳтимол рангларнинг тил ва адабиёт таълимида нечоғлик аҳамияти бор, дёрсиз? «Тил ва адабиёт таълими» журналининг навбатдаги 8-сонидан ўрин олган «Сўзларда ранг симфонияси» материални ўқисангиз, бу хусусда атрофлича тушунчага эга бўласиз.

Нашрни мутолаа қилар экансиз, таҳририят ўзининг мавзу доирасини кенгайтириб, ўқувчилар эътиборини тартаётганига гувоҳ бўласиз.

«Баркамол авлод — мамлакат келажиги» рукнида берилган «Ўзбек миллий кураши ва бел олиш кураши ҳақида»ги мақола ана шундай қизиқарли сирасига кирди. «Она тили бўйича дидактик ўйинлар» мақоласи ҳам бошқотирмалар орқали ўқувчи зеҳнини чархлаш, билимларини мустаҳкамлашга қаратилган. Кўмакчиларнинг бир неча вазифада келиши аён. Гоҳи таққослаш, гоҳи ўхшатиш каби маъноларни ифодалаб, нутқимизни бойитади. «Тилшунослик» рукнида берилган «Ўзбек тилидаги қадар кўмакчисининг семантик-стилистик хусусиятлари» материалда ана шулар хусусида фикр юритилади. Шунингдек, журналнинг янги сонидан «Методика», «Адабиётшунослик», «Адабий тақвим», «Маънавий қадриятларимиз», «Нуқтаи назар», «Луғатшунослик», «Атамашунослик» сингари бир қатор руклардаги материаллар ўрин олганки, улардан фойдаланиб, ўқитувчилар ўз сабоқларини мазмунан бойитмоқлари, тил ва адабиёт таълимини янада мукамаллаштирмоқлари мумкин.

О.ОЧИЛОВА



Дарслик—таълим жараёнида энг муҳим воситалардан ҳисобланади. Унинг мазмуни, сифати, дизайни ва таъминоти ҳар қандай мамлакатнинг келажак авлод камолотига қаратаётган эътибор даражасини белгилаб берувчи омиллардан бири десак, хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, юртимизда мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш борасида ўзига хос тизим яратилгани ва айтиш пайтда ўзини тўла оқлаганини мамнуният билан эътироф этиш мумкин. Бунда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 1 июлдаги ПҚ-363-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурда Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу қарор асосида Молия вазирлиги ҳузурда ташкил этилган Республика мақсадли китоб жамғармаси томонидан ўқувчиларнинг дарсликлар таъминотини янада самарали ташкил этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

кутилган натижани беради. Аммо баъзи ҳолларда айрим умумтаълим муассасаларида дарсликларни фойдаланишга бериш тартибларига риоя қилмаслик, ижара тўловларини тўғри ҳисобламаслик, тўлов йиғимларини ўз муддатида топширмаслик ҳолатлари ҳам кузатилаётгани белгиланган вазифалар ижроси муддатларининг кечикишига сабаб бўлмоқда. Бу каби хато ва камчиликларга келгусида йўл қўймаслик учун қуйидаги вазифаларга қатъий эътибор қаратиш лозим:

- «Умумтаълим муассасаларини дарсликлар ва ўқувметодик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғри-



Бугунги кунда республикамиз бўйича жами 9772 умумтаълим мактабида таълим-тарбия олаётган 4 миллион 800 минг нафардан ортиқ ўқувчиларнинг барчаси ўқув дарсликлари билан тўлиқ таъминланди. Эътиборлиси, бу жараёнда барча 1-синф ўқувчиларига дарслик ва ўқув қуроллари «Президент совғаси» сифатида бепул тарқатилади. Шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари тегишли синф ва таълим тилидаги дарслик тўпламлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланмоқда. Қолган ўқувчилар эса Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими асосида дарсликлар тўпламига имтиёзли тарзда эга бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Республика мақсадли китоб жамғармаси фаолияти натижасида молиявий маблағларни бирлаштириш йўли билан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ҳамда ўқувметодик қўлланмаларни чоп этиш ва етказиб беришнинг барқарор ҳамда узлуксиз тизими шаклланди. Бунда юртдошларимизга қулайликлар яратиш, хусусан, ижара дарсликларининг таннархини янада арзонлаштиришга эришилгани аҳамиятлидир. Жумладан, 2009-2010 ўқув йили учун дарсликлар тўпламлари ижара тўловидан жамғарма ҳисоб рақамига 23233,8 млн. сўм маблағ келиб тушди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарсликларни утилизация қилиш ҳисобига қўшимча қонуний даромад олиниб, улар дарсликлар ва ўқувметодик қўлланмаларни харид қилиш ва етказиб бериш харажатларининг маълум қисми қопланишига сарфланмоқда. Натижада эса биргина 2009-2010 ўқув йили учун дарсликлар тўплами ижара тўловлари 20

ДАРСЛИКЛАР ТАЪМИНОТИ:

ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

фоизгача арзонлашди. Яна бир мисол, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 2010-2011 ўқув йили учун чоп этилган таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабларнинг 9-синф дарсликлар тўплами ижара тўлови 84,4 минг сўмни ташкил этгани ҳолда харажатларнинг қўшимча имкониятлардан қопланиши орқали 18,2 минг сўм этиб белгиланди.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун яратиб берилаётган бекиёс имкониятлар ҳақида фикр юритар эканмиз, яқинда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида Ўзбекистонда таълим ривожига қаратилаётган юксак эътибор дунё афкор оммасининг ҳақли эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бу ютуқларда таълим муассасалари моддий-техник базасининг тубдан янгилангани билан бир қаторда дарсликлар таъминотининг мукамал ижтимоий ҳимояга йўналтирилган тизими яратилгани ҳам ўз аксини топгани шубҳасиз.

2009-2010 ўқув йилида Республика мақсадли китоб жамғармаси томонидан барча таълим тиллари бўйича 1-, 4-, 6- ва 7-синфлар учун жами 22,7 миллион нусха дарсликларни харид қилиш ва жойларга етказиб бериш харажатлари учун 26542,6 млн. сўм маблағ молиялаштирилди. Унинг 9076,8 млн. сўми бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилгани ҳам эътиборлидир.

Албатта, яратиб берилган имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланишгина

сида»ги Низом(Ўз.Р. Адлия вазирлигида 14.01.2010 йилда 2064-сон билан рўйхатга олинган)га асосан ўрнатилган тартибларга қатъий риоя қилиш;

- ижара тўловларининг ўз муддатида тўлиқ йиғилиши ва дарсликлар ижара тўловларини (умумтаълим муассасасининг шахсий ҳисоб варақларини кўрсат-

ган ҳолда) хизмат кўрсатувчи газначилик бўлинмаларининг асосий газна ҳисоб варақларига тўланишини таъминлаш;

— кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ўқув адабиётларини ўз вақтида тегишли корхоналарга топшириш талаб этилади.

Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилиши ижара тўлов миқдорларининг арзонлашиши ҳамда дарсликлар таъминотида барқарорлик ва узлуксизликни таъминлашга хизмат қилишини асло унутмаслик лозим.

2009 йилда Республика мақсадли китоб жамғармасига маблағларнинг тушиши ва сарфланиши юзасидан ҲИСОБОТ

млн. сўмда

№	КЎРСАТКИЧЛАР	БАЖАРИЛИШИ
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	96 970,7
1	Йил бошига маблағларнинг қолдиғи	59 632,3
2	ДАРОМАДЛАР	37 338,4
	шу жумладан:	
2.1	Республика бюджетидан тушадиган маблағлар	9 076,8
2.2	Дарсликлар ижарасидан тушадиган тушумлар	23 233,8
2.3	Вақтинчалик бўш маблағларни жойлаштиришдан олинган даромад	3 984,9
2.4	Кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликларни утилизация қилишдан тушадиган тушумлар	634,7
2.5	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа тушумлар	408,1
2.6	Бошқа даромадлар	0,1
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	27 573,6
	шу жумладан:	
1	1-синф ўқувчилари, "Меҳрибонлик" уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчилар учун тегишли синф ва таълим тилидаги дарсликлар тўпламлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни нашр этиш ва етказиб бериш харажатлари	9 076,8
2	Умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармасидаги дарсликларни янгилаш ва етказиб бериш учун тузилган шартномаларнинг тўлаш харажатлари	17 465,8
3	Ижара тўловларидан тушадиган маблағларни йиғиш ва жамлаш учун Банк Агент хизмати харажатлари	552,1
4	Республика мақсадли китоб жамғармасининг сақлаш харажатлари	478,9
	Йил охиридаги маблағларнинг қолдиғи	69 397,1

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси Ижрочи дирекцияси

"SO'Z GUHARIG'A ERUR ONCHA SHARAF"

Darsning maqsadi:

Ta'limiy maqsad: o'quvchilarning so'roq olmoshlarini haqidagi bilimlarini rivojlantirish.

Tarbiyaviy maqsad: muomala madaniyatini rivojlantirish.

Rivojlantiruvchi maqsad: o'quvchilarni mustaqil fikrlash va ravon so'zlashga o'rgatish.

Dars uslubi: interfaol — bumerang, charxpalak.

Dars jihozi: slaydlar, rasmlar, so'roq olmoshlarini yozilgan jadval.

Darsning borishi: 1. Tashkiliy qism. O'zbek tili haqida kichik suhbat. Suhbatda o'qituvchi quyidagi savollardan foydalanadi: 1. O'zbek tili qaysi til oilasiga mansub? 2. Hozirgi o'zbek adabiy tili nechanchi asrdan boshlab qo'llanilgan? 3. O'zbek tiliga qachon Davlat tili maqomi berilgan?

Til haqida maqol va she'rlar o'quvchilar tomonidan aytiladi.

Namuna:

*So'z guharig'a erur oncha sharaf,
Kim, bo'la olmas anga gavhar sadaf.*

*To'rt sadaf gavharining durji ul,
Yetti falak axtarining burji ul.*

Uyga berilgan topshiriq nazorat qilingach, o'tilgan mavzu savol-javob orqali mustahkamlanadi.

Yangi mavzuga kirish oldidan quyidagi savollar doirasida aqliy hujum o'tkaziladi: **Voqea-hodisa, belgi-xususiyat, ish-harakat, miqdor bildiruvchi so'zlar noma'lum bo'lganda nutqda ularni nimalar vositasida ifodalash mumkin?**

O'quvchilar so'roq so'zlarni yozib, o'z fikrlarini bayon qilishadi (Nima? Kim? Qanday? Qancha?). So'ngra 4 guruhga 4 xil matn beriladi. **1-guruhga tarix darsligidan olingan quyidagi matn beriladi:** "Miloddan avvalgi 46-yilda Rim davlati hukmdori — Yuliy Sezar misrliklar yaratgan kalendarga tuzatish kiritgan. Natijada yangi kalendar — Yuliy kalendari deb atalgan. Bu kalendar ham yil 12 qismga bo'lingan. Biroq oylardagi kunlar soni ayrimlarida 30 kundan, boshqalarida 31 kundan iborat qilib belgilangan. Fevral oyi esa 28 kunlik deb tasdiqlangan".

2-guruhga quyidagi badiiy matn beriladi:

*Oygul turishi bilan
Saroy charaqlab ketdi.
Hammayoq bo'lib ravshan,
Uylar yaraqlab ketdi.
Oy deganda yuzi bor,
Kun deganda ko'zi bor
Bir go'zal qiz qarshida
Bebaho edi juda.*

3-guruhga geografik ma'lumotlardan iborat matn taqdim qilinadi:

"Aholi joylashishida juda katta hududiy farqlar mavjud davlatlar qatoriga Rossiya, Kanada, Xitoy, Avstraliya, Misr, Braziliya, Turkmaniston, Tojikiston, Indoneziya kiradi. Dunyo aholisi vertikal mintaqalar bo'yicha ham notekis taqsimlangan. Yer quruqlik yuzasining 15 foizi umuman o'zlashtirilmagan va doimiy aholisi yo'q hududlardir".

4-guruhga matematik masala beriladi: "9 qavatli uy 12ta yo'lak (podyezd)dan iborat. Yo'lakning har bir qavatida 3tadan oila yashaydi. Shu uyda jami nechta oila yashaydi?"

Guruh a'zolari matnlarni o'qib bo'lishgach, ularga 1, 2, 3, 4 raqamlari tarqatilib, yangi guruh hosil qilinadi. Yangi guruhda o'quvchilar bir-birlariga o'zlari o'qigan matnning mazmunini so'zlab berishadi.

Mavzu: So'roq olmoshlari. (7-sinf, ona tili)



Oktabr — filologiya yo'nalishidagi fanlar oyligi

Ma'lumotlar qabul qilingach, o'quvchilar eski guruhga qaytishadi. So'ngra o'quvchilarga quyidagicha topshiriq beriladi:

O'zlashtirilgan matnlar asosida savollar tuzgan guruh g'olib sanaladi. O'quvchilar quyidagicha savollar tuzishadi:

Namuna: 1. Kim misrliklar yaratgan kalendarga tuzatish kiritgan?

2. Oygul qanday qiz edi?

3. Aholi joylashishida juda katta hududiy farqlar mavjud qaysi davlatlarni bilasiz?

4. 3 sonini nechaga ko'paytirsak, masalaning javobi oydinlashadi?

Guruhlar o'zaro bir-birlarining savollarini almashtirishadi. So'roq olmoshlarining o'rniga javob so'zlarni qo'yib, mashq daftariga ko'chirish topshiriladi.

O'qituvchi shunday savol beradi: — Siz so'roq gaplar tuzganingizda savol ma'nosini qaysi so'zlar bilan ifodaladingiz?

Javob: — Kim? Qanday? Qaysi? Necha? va hokazo.

Savol: — Bu so'zlarning ma'nosi nimada oydinlashadi?

Javob: — Matnda oydinlashadi.

O'qituvchi: — Siz savollar tuzishda foydalangan yuqoridagi so'zlar ol-

moshlarning bir turi bo'lib, ular so'roq olmoshlari deb yuritiladi. Siz nutqingizda bu so'zlardan juda ko'p foydalanasiz. So'roq olmoshlari shaxs, narsa, voqea-hodisa, miqdor, harakat, holat haqidagi so'roqni ifodalaydi. So'roq olmoshlaridan keyin so'roq belgisi qo'yiladi.

Darslikda berilgan qoidaga o'quvchilar diqqati jalb qilinadi. So'roq olmoshlari haqidagi fikrlar umumlashtiriladi. Yozma va og'zaki nutqni o'stirish maqsadida darslikda berilgan mashqlar bajariladi.

Navbatdagi topshiriqda o'quvchilarga jadval chizilgan qog'ozlar tarqatiladi (*jadvalga qarang*).

O'quvchilar so'roq olmoshlari ifodalagan tushunchalar to'g'risiga belgi qo'yishadi. Jadval so'ngida 6ta to'g'ri javobga —"5", 4—5ta to'g'ri javobga —"4", 3ta to'g'ri javobga —"3" ball qo'yilishi ko'rsatiladi. To'g'ri javoblar slayd orqali e'lon qilinadi. O'quvchilar bir-birlarining ishlarini o'zaro almashib tekshiradilar va baholaydilar.

Navbatdagi topshiriqda o'quvchilarga multimedia orqali turli rasm va harakatlar navbatma-navbat ko'rsatiladi. Har bir rasm tartib raqami bilan belgilangan. O'quvchilar shu tartib raqamini qo'yib, rasmda aks ettirilgan shaxs, narsa, o'rin-joy,

harakat-holat kabilarni ifodalovchi so'zlarning so'rog'ini yozishadi. Ekranida quyidagi rasmlar ko'rsatiladi: mevalar, turli kasb egalari, o'simlik va hayvonlar, shaharlar, yomg'ir yog'ishi, barglarning sarg'ayishi, raqamlar va hokazo. O'quvchilar Kim?, Nima? Nima qilyapti? Nechta? kabi so'roq olmoshlarini yozishadi. Bu shart 4 o'quvchi tomonidan doskada ham bajariladi.

Topshiriqni tez va to'g'ri bajargan guruh g'olib bo'ladi.

O'qituvchi tomonidan quyidagicha muammo qo'yiladi:

So'roq olmoshlarining insonlar xushmuomala bo'lishidagi ahamiyatini qanday tushunasiz?

O'quvchilar o'z fikrlarini shunday bayon qilishadi:

Biz bilmagan narsamizni o'rto-g'imizdan so'rayotganimizda savolimizni to'g'ridan-to'g'ri so'roq olmoshlari bilan boshlamay, "kechirasiz", "uzr", "Mahamat qilib aytasangiz", "Siz bilasizmi?" kabi so'z va iboralarni qo'llashimiz kerak. Shunda suhbatdoshimizning shaxsini hurmat qilgan va unga xushmuomalada bo'lgan hisoblanamiz. So'roq olmoshlarini yumshoq ohangda talaffuz qilsak ham o'zaro xushmuomalalikka erishgan bo'lamiz.

O'qituvchi navbatdagi topshiriqni e'lon qiladi: So'roq olmoshlarining shevaga xos shakllarini yozing. O'quvchilar quyidagi so'zlarni yozishadi: Naga? Qatta? Nerda? Nishatti?

So'ngra mavzuni mustahkamlash va mustaqil fikrlashni rivojlantirish maqsadida o'quvchilarga quyidagi kabi savollar beriladi.

Savol: — Nima deb o'ylaysiz, siz qaysi darsda eng ko'p so'roq olmoshlarini ishlatasiz?

Javob: — Matematika darsida.

Savol: — So'roq olmoshlari ifoda maqsadiga ko'ra qanday gaplarni hosil qilishda ishtirok etadi?

Javob: — So'roq gaplarni.

Savol: — Hamma vaqt ham so'roq olmoshlarining ishtiroki so'roq gaplarni hosil qiladimi?

Javob: — Yo'q. So'roq olmoshlari darak, buyruq-istak gaplar tarkibida ham kelishi mumkin. Masalan, "Men do'stinga yolg'onchilik qanday oqibatlariga olib kelishini tushuntirdim" (darak gap). "Men katta bo'lsam, qarindoshlarimga mehr-oqibatli inson qanday bo'lishini ko'rsatmoqchiman" (istak gap).

Savol: — So'roq olmoshlari qaysi qo'shimchalar bilan birika oladi? Misollar keltiring.

Javob: — So'roq olmoshlari kelishik, egalik, ko'plik qo'shimchalari bilan birikkan holda keladi. Masalan, "Nimaga?" "Kimdan?" "Nimalar?" Bundan tashqari songa xos lug'aviy shakl yasovchi qo'shimchalar bilan ham birikadi. Masalan, "Nechta?" "Nechanchi?"

Savol: — "Nechta?" so'zida qanday tovush o'zgarishi sodir bo'lgan?

Javob: — "a" unlisi tushib qolgan.

Yangi mavzu mashq va savol-javoblar orqali mustahkamlanib bo'lgach, dars davomida faol ishtirok etgan guruh rag'batlantiriladi va o'quvchilar baholanadi. Dars xulosalanib, uyga vazifa beriladi.

Guinoza NURMATOVA,

Toshkent shahridagi

288-maktabning ona tili va adabiyot

fani o'qituvchisi, "Yilning eng yaxshi

fan o'qituvchisi-2010"

ko'rik-tanlovi g'olibi

So'roq turlari	Qayer?	Qanday?	Kim?	Nima? uchun?	Nima qildi?	Nima?	Qancha?
Shaxs so'roqlari			+				
Narsa-hodisa so'roqlari				+			
Belgi-xususiyat so'roqlari		+					
Miqdor so'roqlari							+
Sabab so'roqlari					+		
O'rin-joy so'roqlari							
Harakat-holat so'roqlari						+	

Навоий шахридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Фазолат Қайимова 2006 йили II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган эди. Мустиқиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида эса у Президентимиз фармонида кўра «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Отаси раҳматликнинг «Юк кўтарган барибир бир куни юзага чиқади. Фақат ҳалол меҳнат қилинг. Қайси касбнинг эгаси бўлишингиздан қатъи назар шу юртинг, халқнинг фаровонлиги учун, албатта, улуш қўша олинг...», деган ўғитлари неча кунки қулоғининг остида жаранглайверади. Ҳатто тушларида ҳам у киши қизидан мамнун жилмайиб турармиш...

Фазолатхон билан ана шундай фараҳбахш кунларнинг бирида учрашдик. У самимий ва соддалик билан: «Мен юрагимдаги бор меҳру муҳаббатимни ана шу туйғуга ташна болажонларга беришга ҳаракат қилдим, холос. Болажон юртимиз халқи, ҳукулатимиз томонидан ушбу камтарона меҳнатларим қадрланаётгани янада самарали ишлашга даъват этмоқда» дейди.

— Фазолат ҳар бир ишни ибрат олса арзигулик даражада бажарадиганлардан. Унга «Бундай қилинг, ундай қилинг...» дейишнинг ҳожати йўқ. Аксинча, уринишларидан катта ҳикмат, намуна қилиб кўрсатса арзигулик жиҳатларни топасиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Дилбархон Орзиева.

Дилбархон майин овоз чиқаётган эшик томон имлайди. Ортидан бўйлайман: гулдор гилам. Кўрпачалар тўшалган. Хушсурат аёл бир гуруҳ болажонларни атрофига жамлаб эртаси ўқиб бераёпти. Жажжигина қизалоқ унинг тиззасига бошини қўйганча, жовдираган мовий кўзларини сўйлаётганининг нигоҳларидан узмайди. Уч-тўрт ёшлар чамаси болакай эса меҳр тўла қароқлари билан мураббияни ҳаммадан қизғонаётгандек қўлларидан тугтиб олган. Тарбиячи эса ана шу бир иссиқ бағирни қўмсаётган дилларнинг барча-барчасини қалбининг ардоғига жо этишга уринаётгандек... Бу манзарани шунчаки кузатиб бўлмас, ҳаёлларни бузишга кўнгил йўл бермасди...

Шу боис ҳам суҳбатимизни болажонлар ором олаётган пайтга мўлжалладик.

— Ҳар кимнинг ўзига яраша табиати, яшаш тарзи, ҳаётининг мазмун-мақсади бор. Мен болажонларга ана шундай бутун борлигим билан боғланиб қолганман. Қаерда бўлмайин, қай ишга қўл урмайин ҳаёлим уларда. «Фалончининг кўнглига қандай йўл топсам экан. Фалончини хурсанд қилиш, фалончининг аламларини унуттиришининг чораси борми?...». Бу каби ўйлар бир лаҳза мендан йироқлашмайди. Баъзан опасингилларим билан йиғилишиб қолсам, «Сен, ўзинг бола бўлиб қолгансан» дейишади. Улар даврасида бўлсам ҳатто дардларим, огрикларимни, чарчоқларимни унутаман. Ўзгаларга, яна кўпчиликка, ўз волидасидан меҳр кўрмаган дилпораларга оналик қилишнинг талаби, масъулияти, гашти шундамикан эҳтимол...

Фазолатхон сўзлайверади. Менинг кўз ўнгимда у гувоҳ бўлган воқеалар жонланиб, борлигимни ҳаяжонга солаверади.

...Фазолат қатор йиллар мактабгача таълим муассасасида фаолият юритганди. Ҳар куни жажжиларни ота-оналари эркалай-эркалай унинг қўлига топшириб кетишар, кечга томон эса «Болалари ҳеч

қачон йиғламай ҳузурига ошиқадиган боғча опалари»ни алқай-алқай уйларига олиб кетишарди. Кўча-қўйда «Маллимжон!» дея эъзозлашлари эса касбига хурматини юз чандон ошириб юборарди. Лекин мана ўн йилдан ошдики, у ўз

тақдирини Меҳрибонлик уйдан айро тасаввур эта олмайди. Бу ерда тарбияланаётганлар учун ҳукулатимизнинг ғамхўрлиги туфайли хонадонлардан кам бўлмаган шарт-шароит, имкониятлар яратилган. Лекин, дастлаб бу даргоҳга келганларида очиғи, айримларининг дийдалари меҳрсизликдан, оқибатсизликдан қотган бўлади. Уларни ҳар куни йўқлаб, кучоғига оладиган яқинлари йўқ. Болажонлар ана шундай сотиб олиб бўлмас муҳаббатга зор. Фазолатнинг илк бора дуч келгани, неча кунлаб, ойлаб юрагини қақшатган азоб ана шу бўлди. У бу азобни ҳис этгани сари ўзини неларгадир ҳозирлар, кўнглида беназир ҳалимлик, кенгликни тарбия этарди. Ва ниҳоят у қалбини ана шу муштипар жонларга бағишлади ва ана шу фидойилиги ортидан том маънода бугун «Эл-юрт хурмати»га мушарраф бўлди. Бу йўлда унга ота-онасидан олган ибратлари жуда кўп бора асқотди.

Падари бузруквори Камол ота Сиддиқовнинг болаларига ўқитган биринчи ўғитлари бирининг ҳақидан кўрқиб, фарзандларига ҳалол луқма едиришга уриниб эди. Ҳар бир юмушни сидқидилдан адо этиш бу оиланинг ёзилмаган шиорига айланган, олти қизни саранжом-сарийшталик, озодликка ўргатган, онажонисининг меҳнатсеварлиги кун келиб Фазолатнинг фазилатлари тожигача айланганди. У кичкинагина қизалоқлигиданоқ маҳалларидидаги болажонларни йиғиб келиб, уйларидаги катта сандиқни ёзув тахтасига айлантирганча «муаллима»га айланар, унинг ҳаракатларини кузатиб турган волидаси, «Қизим, сен аввало ўқувчиларингни жуда-жуда яхши кўр,

Davlat mukofoti sohiblari



меҳрибон бўлмасанг, сендан яхши устоз чиқмайди...» дея муносабатларидаги хатоларини тўғрилаб турарди...

Бу хотиралар унинг учун

лади. Дил дардининг малҳами меҳр ва сабр-тоқат, болам! Бекорга давлатимиз Меҳрибонлик уйларини очиб, сизларга маош тўлаб, иззатларин-

жон келиб кетди. У нуқул болалигида «Ойижон, мен катта бўлсам ҳайдовчи бўламан, сизни ҳеч яёв юргизмайман...» дерди. Шуни эслаб роса қулдик. Нигора қизим тикувчи бўлиб менга энг чиройли куйлақлар тикиб бермоқчи. Кичкина Машамиз ошпазлик ҳадисини олиб, ўша қишлоқда тандирга ёпиб пиширилган сомсалардан ҳам лаззатлироғини фақат мен учун тайёрлаб берармиш. Икромжон Болтаевимиз ҳарбий. У куни хат ёзибди, болалар билан бирга ўқидик: «Онажон, сизни соғиниб кетдим. Қани эди, мени сиз дунёга келтирганингизда! Укаларимга қаттиқ тайинланг, сизни ранжитишмасин. Йўқса, адабларини бериб қўяман. Бир куни улар ҳам сизни мендек соғиниб юришади...».

Баъзан «Меҳрибонлик уйининг болалари худбин бўлишади...» деган гап-сўзларни эшитиб қоламан. Йўқ, биз тарбиячилар ўша отам айтган қалб жароҳатини даволай олмай, фақат Меҳрибонлик уйда маош учун ишласак, болалар билан мулоқотни бир вазифа деб қарасак, бу иллат бўй кўрсатмоғи мумкин. Бу остона билан фаолиятини боғлаган инсон болалар, уларнинг қалби билан яшамоғи шарт!

...Фазолат ҳовли томон бошлади. Ана у сўлимгина гулзор гуруҳининг дала майдони экан. Йўлак бўйлаб келаётган қизалоқлар биз томонга бир қараб қўйишди-да, мураббияларининг бағрига отилишди. Тарбиячининг нигоҳи улардан бирининг эғнига тушди: нега енгил кийиндинг, нега оёғингда пайпоғинг йўқ. Ахир, салқин тушиб қолди...

Қаҳрамонимиз билан кўнглимизда меҳрга, муҳаббатга эҳтиром, таъзим ила шу ерда хайрлашдик. Йўлга чиқаётиб беихтиёр ортимга ўғирилдим: бобо кўёш осмоннинг қоқ ўртасида чор атрофга бирдек нуруни улашарди. Бир жони билан ўнлаб норасидаларга оналик меҳрини бераётган аёл қалбини оламнинг ана шу мўъжизасига менгзасак, ҳеч муболага бўлмас, деган қиёса эса битикларимга нуқта қўйди.

ОЧЕРК

катта мактаб, қалбига қоришиб кетган сабоқларга уйғунлашиб кетди. Бу дарслар уни Фазолат мураббия, хаста дилларнинг аламларини, армонларини унуттириб, бағрини бутун эта олгучи «аяжон»лик мартабасига эриштиради.

... Худди кечагидек ёдида, бир куни гуруҳидаги уч-тўрт нафар болажонни қишлоғи Дўрмонга олиб кетди. Чунки улар Фазолат навбатчиликни топширар маҳали келиб этагига маҳкам ёпишиб олишар, ҳар гал бу жовдираган нигоҳлардан узилиб кетиш унинг учун ҳам аламли азоб эди. Қизини меҳмон бошлаб келаятганини кўрган отаси дастурхонни боғидан чиққан неъматлар билан тўлдирди. Ўша куни Фазолат қизлар билан кўк сомса, чучваралар пиширди, уларни қишлоқ ҳаёти билан эринмай таништиради. Ўғил болалар эса фарзандларига қўшилиб боққа, қўй-қўзиларга қарашиди.

Бу сурурни болажонлар кейинчалик ҳам неча бора соғиниб опага эргашишди. Кўпни кўрган эмасми, отаси тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини обдон кузатаркан, пешин маҳали Фазолатни ёнига олиб гапни узоқдан бошлади: ўғил-қизларинг яхши шароитда улғайишаётгани афту ангорлари, қадди-бўйларидан кўриниб турибди. Лекин уларнинг қалби жароҳатланган. Бу ўринда сен бир табиб вази-фасини ҳам бажармоғинг жоиз. Биласанми, машҳур тиб илмининг билимдонлари вужуд ярасини табиий, соф малҳамлар билан даволашган. Эътибор бергин-а, соф! Кўнгил хасталиги эса тоза муҳаббат билан бартарф эти-

гизни қилмаяпти. Ана шуларга кучинг етсагина тоғанинг ҳалол, баракали бўлади... Отанинг бу ўғитлари уни ҳамон тергаб, имтиҳон этиб туради.

— Тарбияланувчилар орасида ҳатто алла эшитмаган, бу навонинг сеҳри таъмини ҳис этмаганлар бор, — дея киприкларидида илиниб турган намни бармоқлари билан сидиради Фазолат. — Кўпинча уларни ўрнига ётқизарканман, ҳар бирининг бошида кўзларини уйку элитганча сочларини силаб алла айтаман. Улар назаримда, менинг сиймомда ўз оналарини тасаввур этишади. Чунки расм машғулотларида оналарини тасвирлашар экан, менга тикилиб туришади-да, бири қошу кўзимни, бири сочларим, ҳаракатларимни ўхшатишга уринишаётганини сезиб қоламан. Уларнинг қалбига ота-оналик катта масъулият, она улуг зот эканини сингдиришга уринаман.

— Сизнинг болаларингиз мактабда ҳам энг аълочилардан экан, — дея Фазолатни қутлаб қўйди Дилбархон. — Кеча ўқитувчисини келган эди. Миннатдорчилик билдириб кетди. Яқинда акамнинг тўйи бўлади. Ўшанда бизга руҳсат берасиз, дермишми?

— Ҳа-я, улар мендан ҳам олдин тайёргарликни бошлаб юборишибди-да, — жилмаяди Фазолат. — Хабарингиз бор, ўғилларимни уйлантириш тараддудиданман. Болажонлар уйимизга боравериб фарзандларимга ўз акаларидек меҳр қўйишган. Улар ҳам имкон топилди дегунча қўйни-қўнжиларини тўлдириб шу ерга югуришади. Болаларни айлантришади, хиёбонларга олиб чиқишади...

Яқинда Тошкент юридик коллежида ўқиётган Улугбек-

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУНТАЗАМ МУРОЖААТ ҚИЛАДИГАН МАСКАНГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Маънан етук, интеллектуал салоҳиятли ёшлар камолотида кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этиши табиий. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарорининг ижроси сифатида ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши, кутубхоначилик тизимининг ислоҳ қилинаётгани бу борада методик таъминотни такомиллаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш ишларининг жадал олиб борилаётгани эътиборлидир.

Мақтаб кутубхоналари халқаро ассоциацияси томонидан 1999 йили тасдиқланган расмий ҳужжатга асосан, октябрь ойида Халқаро мақтаб кутубхоналари кунг кенг нишонланиб келинмоқда. Бунда, аввало, ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш, педагог ва кутубхоначиларнинг илмий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу сана ҳар йили юртимиз мақтабларида ҳам кенг қўламада нишонланади.

Мақзур тадбир учун бир кун белгиланган бўлса-да, ундан кўзланган мақсадлар кутубхоначиликда доимий долзарблик касб этади. Шу боис, Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан иш-лаб чиқилган бир қатор тавсиялар сиз, мутахассислар эътиборига ҳавола этилмоқда:

— кутубхонада анъанавий ижодий кечалар, адабий ўқишлар ва анжуманлар қатори ёшлар билан ролли ўйинлар, диалог, баҳс, интерфал кўргазмалар, мультимедиа-тақдимот каби янги фаол усуллардан фойдаланиш;

— таълим жараёнини такомиллаштириш мақсадида таълим-тарбияда кутубхонанинг нечоғли муҳим аҳамият касб этишини мақтаб жамоасига кутубхоначиликнинг методлари ёрдамида тушунтириш;

— ўқувчи ва ўқувчиларнинг энг сеvimли китоблари рўйхатини тузиб, уларнинг тақдимотини ўтказиш;

— кутубхоначилар ҳамда китобхонларни доимий рағбатлантириш, уларни алоҳида эътироф этиш;

— китоб кўргазмаси ва энг яхши китоблар ўнталиги тақдимотини ўтказиш;

— ёши улуг' устоз-мураббийлар, маҳалла фаоллари иштирокида инсон камолотида китоб ҳамда кутубхонанинг ўрни хусусида қизиқарли давра суҳбатлари уюштириш;

— кутубхонада "Очиқ эшиклар кунг"ни ташкил этиш ота-оналар ва ўқувчиларни кутубхона фонди билан таништириш;

— амалиётга жорий этилаётган кутубхоначилик лойиҳаси ўқувчилар ва педагогларнинг ўз салоҳиятларини ривожлантиришлари учун янги имкониётлар яратиб беришини тақдимот орқали уларга етказиш;

— ёшларнинг "Менинг сеvimли китобим" ёки "Менинг сеvimли асар қаҳрамоним" мавзусида тайёрлаган қизиқарли слайд-лекция, деворий газета ёки альбомларини меҳмонлар эътиборига ҳавола этиш;

— "Мақтаб кутубхонаси ҳафталиги"ни ташкил этиб, ўқитувчи ва ўқувчилар учун кутубхоначилик дарслари, адабий ўйинлар ўтказиш орқали ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш;

— мақтаб кутубхонасида болалар қандай китоблар мутолаа қилишни хуш кўришига доир сўровнома ўтказиш, уларнинг қизиқишларини аниқлаш;

— мақтаб кутубхонаси фаолиятини турли рақобатчиларнинг фаолияти билан қуйидаги тартибда кооперациялаш ва интеграциялаш:

- мақтаб кутубхонаси + педагоглар;
- мақтаб кутубхонаси + мақтаб кутубхонаси;
- мақтаб кутубхонаси + ахборот-ресурс маркази;

— мақтаб кутубхонаси + АРМ, бошқа кутубхоналар.

Иш фаолиятимизда ҳужжатлар портфели, муҳаррирлик портфели каби сўз бирикмаларини кўп тилга оламиз. Мақтаб кутубхонасининг портфолиоси мазмунан шунга яқин тушунча. У мақтаб кутубхоначиларига шахсий ютуқлари, ишланмалари, ўз касбининг келажаги ва замонавий мақтабда кутубхонанинг ўрнини қандай тасаввур қилиши ҳақида профессионал даражада гапириб бериш имконини туғдиради. Портфолионинг асосий моҳияти – мутахассис нималарга қодир бўлса, шуларнинг ҳаммасини кўрсатиш. Бунга маълум давр оралиғида кутубхоначининг яқка тартибда эришган ютуқларини қайд этиш, тўплаб бориш ва ўз-ўзига баҳо бериш усули ҳам дейиш мумкин. Шундай қилиб, «Портфолио» – бу эришилган ютуқлар жамғармаси. У кутубхоначининг профессионал ривожланиш динамикасини акс эттиради, унинг олиб борган иш натижаларини муҳокама этиш шакли бўлиб хизмат қилади, билимлар, малакалар, ишланмаларнинг мавжудлиги ва янгилиги орасида боғлиқларини муस्ताқил равишда ўрнатиш имконини беради. Портфолионинг турли хил қўринишлари бор, масалан, «Портфолио» - шахсий жамлама (яъни ўзи учун тўпланади) ёки «Портфолио» - ҳисобот (бошқалар учун тўпланади).

Шахсий «Портфолио» мақтаб кутубхоначисининг касбий «портрети»ни акс эттиради. У қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Ф.И.Ш.
2. Маълумоти.
3. Мақтабдаги иш стаж.
4. Малака ошириш.
5. Кутубхона тадбирлари, викториналар, байрамлар, эрталликлар ва ҳоказолар сценарийлари ва режалари.
6. Методик ишланмалар.
7. Методбирлашма, педагогика кенгашлири ва бошқа йиғилишларда қилинган чиқишлар.
8. Танловларда иштирок этиш.
9. Олиб борган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар.
10. Эълон қилинган ишлар.
11. Мукофотлар.
12. Мавзу устидаги ўйлар.

Мутахассис сифатида кутубхоначи ҳақидаги мавжуд ахборотларни уюштиришнинг тақлиф этилаётган усули унинг фаолиятидаги айрим аспектиларни бирлаштириш, ахборотларни тизимга солиш, уларни заруриятга қараб тўлдириб бериш имконини беради. Кутубхоначи ўзининг касбий портрети электрон ёки кўлёзма шаклида юритиши ва керак пайтда тайёр рўйхатни тақдим этиши мумкин.

Кутубхоначининг портфолиосига «Мавзу устидаги ўйлар» моддаси киритилган. Бу ерда кутубхоначининг истаган қизиқарли ёки унинг учун зарур бўлган мавзуда – «Мақтаб кутубхоначисининг касби», «Кутубхонанинг замонавий мақтабдаги вазифаси» ва шунга ўхшаш мавзулардаги ўйларни акс этиши мумкин. Тайёрланган материал кутубхоначининг профессионал даражасини, унинг ўз ишига бўлган муносабатини намойиш этади ва уни таҳлил қилиш, истиқболларини кўриш имконини беради. Амалда ушбу катта бўлмаган ёзма иш педагогика кенгашида, методбирлашма йиғилишида чиқиш қилиш учун ўзига манба бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, «Портфолио» методи мақтаб кутубхоначисига:

- ўз ютуқлари, ижодий фаоллиги, истиқболли ҳақида ҳикоя қилиш,
- катта ҳажмдаги, ўз ўрнида машаққатли меҳнат натижасини тўла-тўқис ва самаралироқ қилиб тақдим этиш имконини беради.

Кутубхоначининг профессионал портфолиосини яратиш – мураккаб жараён. Шу боис портфолиони тузиш юзасидан қисқа тавсияларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- кутубхоначиликда портфолионинг аҳамияти: олиб бориладиган ишларнинг имкониётларини очиб бериш;
- аниқ вазифа ва функцияларни белгилаш;
- кутубхоначилик амалиётида фойдаланиш мумкин бўлган янги модел ва қўринишларни белгилаш, профессионал кутубхоначилик методикасини ишлаб чиқиш зарур.

Кутубхоначилик «портфолио»сини яратиш мутахассисларга қуйидаги имкониётларни беради:

- ўз ишини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- ўз фаолиятидаги айрим жиҳатларни бирлаштириш;
- касбий ривожланиш динамикасини акс эттириш;
- ўз иш тажрибасини тўла-тўқис ва самаралироқ қилиб тақдим этиш.

Кутубхоначилик «портфолио»си бажариладиган функциялар:

- **ташхис қўювчанлик** – муайян давр оралиғидаги ўзгаришларни кўрсатади;
- **мазмуний** – бажарилаётган ишлар спектрини очиб беради;
- **ривожлантирувчи** – таълим олиш ва ўз устида ишлашнинг узлуксиз жараёнини таъминлайди;
- **рейтинг** – индивидуал миқдорий ва сифат ютуқларини аниқлаш имконини беради.

«Портфолио» модели:

Модель	Яратиш мақсади
Ютуқлар портфели (ўзи ва бошқалар учун)	Касбий ёки ижодий фаолиятидаги ўсишга баҳо бериш
Портфель — ўз-ўзига баҳо бериш (ўзи учун)	Касбий фаолиятининг бирор турида ёки айрим аспектида ўсиш ёки орқага қетишни кўрсатиш
Портфель — ҳисобот (бошқалар учун)	Муваффақиятлиликни кўрсатиш, касбий ёки ижодий фаолиятидаги ўсишни исботлаб бериш

Кутубхоначининг профессионал портфолиосини яратиш – мураккаб жараён. Шу боис портфолиони тузиш юзасидан қисқа тавсияларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Портфолио» типлари: «Портфолио» таркибини ишлаб чиқишда унинг асосий уч типига мўлжал олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳужжатлар «портфолио»си: кутубхоначининг сертификат билан тасдиқланган (ҳужжатланган) қуйидаги ютуқларини ўз ичига олади:

- дипломлар;
- ёрликлар;
- гувоҳномалар;
- шахс гувоҳномалари;
- маълумотномалар;
- Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилотлар билан расмий ҳамкорликни амалга ошираётган муассасаларнинг сертификатлари.

«Портфолио»га кўрсатилган ҳужжатларнинг асли ёки нусхаси жойлаштирилиши мумкин. Ҳар қандай «портфолио»нинг

маҳиллик, оригиналлик, материалларнинг ишонарлиги, ходимларнинг ўсиш динамикаси, ижодий фаоллиги ва бошқалар.

Фикр-мулоҳазалар «портфолио»си — бу кутубхоначининг фаолияти турларига берилган тавсифлардир. Унда мақтаб кутубхоначисининг фаолияти натижаларига ёзма таҳлил (хулосалар, тақриزلар, режюмелар ва ҳоказолар) берилади. Булар ўтказилган тадбирларга касбдошлар, туман, шаҳар АРМлари методистлари, мақтаб дарсликлар, кутубхона фонди бўйича методистлар, мақтаб маъмурияти, методбирлашма вакиллари, ўқувчиларни ўқитувчилари ва бошқалар томонидан берилган баҳо бўлиши мумкин.

«Портфолио»нинг оддий мо-



ФАОЛИЯТИНГИЗ КЎЗГҮСИ

У қанчалик тиниқ бўлса, истиқболингизни шунчалик ойдin кўрсатади

тузилиши, албатта, ҳужжатлар рўйхатидан бошланиши керак (ушбу рўйхат йиллар мобайнида тўпланишига қараб тўлдириб борилади).

Бажарилган ишлар «портфолио»си — бу мақтаб кутубхонасининг фаолиятидаги асосий йўналишларини ва фаолият турларини акс эттирувчи материаллар тўплами, ижодий фаолликнинг асосий шакллари баёни. У кутубхоначининг турли хилдаги ишларини ҳужжатларнинг ягона массивига гуруҳлаш йўли билан бажарилади. Унга қуйидагилар кирди:

- танлов ишлари;
- семинар-практикумларда, методбирлашма йиғилишларида қилинган чиқишлар матнлари (ёки чиқишларнинг аудио ва видеоёзувлари);
- турли хил оммавий тадбирларнинг сценарийлари;
- электрон ҳужжатлар – турли тақдимотлар, кутубхоначилик дарсларини, шарҳлар, кўргазмаларни ўтказишга ёрдам берадиган ишланмалар;
- турли тадбирлар ҳақида видеоёзувлар, фотоальбомлар;
- босма ишлар.

Ишлар «портфолио»си унда тақдим этилган материаллар қоғоз ёки электрон ташувчиларда, жумладан, видеоёзувлар, фотосуратлар, эълон қилинган ишлар ва ҳоказолар тарзида ҳавола этилади. «Портфолио» кутубхоначининг профессионал фаолиятига қуйидаги параметрлар бўйича сифат баҳосини беради: тўла-тўқислик, хил-

делларини (тилга олинган типлардан бирини жорий этади-диган моделларни) ёки мажмуавий моделларини (баён этилган типларни бўлимлар сифатида ўз ичига оладиган моделларни) конструкциялаш мумкин.

«Портфолио» турлари: «Портфолио»нинг бир неча тури мавжуд. Биз икки турини кўриб чиқамиз: **шахсий ва мавзувий**.

Шахсий «портфолио»ни мақтаб кутубхоначисининг шахсий портрети деб аташ мумкин. Унинг идеал варианты – барча типларни ўз ичига оладиган мажмуавий вариантдир. Бундан ташқари, кутубхоначининг режюме шаклида бажарилган портрети деб аташнинг варианты ҳам кўрсатиш мақсадида мавзувий. Уни энг бошида жойлаштирган маъқул. Режюмеда кутубхоначининг мавжуд иш тажрибасидаги қуйидаги жиҳатларга ургу бериш зарур: ўз устиди ишлаш, замонавий ахборот технологияларидан амалда фойдаланиши, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг инновацион шакл ва методлари.

Шахсий «портфолио»га олинган профессионал тест натижалари ҳамда касбий малака ва кўникмаларига ўзи берган баҳо варағини қўшиб қўйиш мумкин.

Агар мақтаб кутубхоначисини бирор мавзу билан доимий шугулланиб борса, **мавзувий «портфолио»** тайёрлаш маъно касб этади. Масалан, ўқувчиларга кутубхоначилик-ахборот саводхонлиги асосларини ўргатиш ёки ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини тарбиялаш ва ҳ.к.

Мавзувий «портфолио» қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- машғулотлар режаси (структураси, схемаси) ёки мавзуга доир ишланмалар;
- тушунтириш хати, унда материални тақдим этиш шакли ҳақида қисқа ахборот келтирилади, ва ҳоказо;
- мавзу асоси, ушбу мавзу орқали нималар тасаввур қилинаётгани, қўйлаётган натижалар;

«Портфолио»да материалларни қандай жойлаштириш зарур?

Материалларни касбий ўсиш ва тараққий этишни кўрсатиш мақсадида хронологик тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

курс дастури (режалар, дарс, кутубхоначилик машғулотлари ишланмалари);

- болаларнинг ишлари (сўровномалар, тестлар, дарс ҳақида фикр-мулоҳазалар, бадиий асарга ёзилган тақриз, расмлар);
- ўзи олиб борган ишлар юзасидан ўзининг таҳлили;
- мавзу бўйича фактографик материал (адабиётлар рўйхатлари, мақолалар нусхалари, чизмалар ва ҳ.к.);
- кузатилган машғулот ҳақида касбдошлар, ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари;
- яқун яшаш, истиқболдаги ишларни белгилаш.

«Портфолио»ни шакллантириш методикаси: Мақтабдан уч йилдан ортиқ ишлаётган кутубхоначиларнинг кўпчилигида тадбирлар ва кўргазмаларга доир ишланмалар, турли лойиҳалар солинган ўнлаб жўздонлар бор. Ёрликлар, дипломлар, сертификатлар, тадбирлар ҳақидаги тақриزلар ва бошқа кўпгина материаллар акс этган дафтарлар ҳам бўлиши мумкин. Ана шулар «портфолио»нинг таркиби саналади. Фақат энди улардан энг муҳимини танлаш ва ҳаммасини тизимга солиш керак, холос.

Профессионал «портфолио»ни кейинги 3–5 йил учун тутиш тавсия этилади, лекин баъзи материаллар, масалан, республика ёки вилоят даражасидаги 10–15 йиллик ёрликлар ёки дипломлар ҳам киритилиши мумкин. Портфельга қайси ишланмаларни (энг яхшиларини) ми ёки боринини) танлаш яхши эканлигини ўзингиз ҳал этинг. Бу сиз эришган ютуқлар портфели ва унинг мазмунини фақат ўзингиз белгилай оласиз.

«Портфолио»да материалларни қандай жойлаштириш зарур? Материалларни касбий ўсиш ва тараққий этишни кўрсатиш мақсадида хронологик тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

«Портфолио» қаерда сақланади?

Бу борада сиз учун вариантлар бир неча – кутубхонада, маъмуриятда, методика хонасида. Балки сиз икки вариантда тайёрласиз: бири – тўларок, кенгайтирилган шаклда – кутубхона учун, бошқаси – маъмурият учун. Агар портфолиони кутубхонада сақлаш кўзда тутилса, ундан фойдаланишига рухсатни сиз берадиган бўлсангиз – ҳужжатлар портфелида оригиналларни тўплаш мумкин; агарда ютуқларингиз портфели бошқа жойда сақланса, нусха кўчирганингиз яхшироқ. Ҳар қандай ҳолатда «Портфолио»ни шакллантириб, ўз ишингизни мақтаб маъмуриятига тақдим этинг, мақтаб педагоглар жамоаси олдида ёки туман ёки шаҳар кутубхоначилари методбирлашмаси йиғилишида унинг тақдимотини амалга оширинг.

«Портфолио»ни ташкил этиш ва жиҳозлаш: Ҳозирги даврда кутубхона «портфолио»сини ташкил этиш ва жиҳозлашга доир ягона стандарт ва талаблар мавжуд эмас. Эҳтимол, материалларингизни ютуқлар портфелингизда жойлаштиришнинг оптимал вариантини топарсиз ёки ишлаб чиқарсиз. Мухими, у мантқан таркиблансин.

Ушбу мавзуда яна баъзи тавсияларимиз ва истақларимиз қуйидагилар:

1. Портфолиони бўлимлар сарлавҳаларидан иборат файллар папкаси кўринишида жиҳозлаш мумкин.

2. Ҳар қандай бир иш, ҳужжат, материаллар танланмасини айрим файлга жойлаштиринг.

3. «Портфолио»нинг ҳар бир унсурини динамикани кузатиш мумкин бўладиган тарзда сана қўйиб чиққан маъқул.

4. Электрон вариантда излаб топиш қулай бўлиши учун «портфолио» тақдимотидаги ҳужжатлар ва бошқа материалларга иловалар бериш мақсадга мувофиқ.

Илг'ор тажриба

Ҳужжатлар «портфолио»си

Даражаси	Йили	Танлов номи	Натижаси	Илова
Республика Вилоят Туман	2009	«Энг яхши мақтаб кутубхоначиси»	III ўрин	1

Даражаси	Йили	Таърифи	Илова
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	2010	Таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борган вазирлиги	2
Вилоят халқ таълими бошқармаси	2009	Юқори профессионализм, болаларга меҳрибонлик муносабати, топширилган ишга ижодий ёндашганлик учун	1
Туман халқ таълими бўлими			

Малака ошириш курсини ўтаганлиги ҳақида гувоҳнома				
Ўтиш жойи	Йили	Ўқилган соатлар	Курс номи	Илова
Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	2009	72	Мақтаб кутубхонасини ташкил этиш	

Бажарилган ишлар портфолиоси

Кўрик-танловларда иштирок этиш					
Даражаси	Йили	Танлов	Мавзу	Натижаси	Илова
Республика	2009	"Жаҳон халқ оғзаки ижоди билангилари"	Француз халқ оғзаки ижоди	II ўрин	
Вилоят Туман					

Семинар-практикумлардаги, мақтаб кутубхоначилари методбирлашмалари йиғилишларидаги чиқишлар

Даражаси	Йили	Мавзу	Тақдим этиш шакли	Иш қаерда тақдим этилган?	Илова
Республика	2008	Шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш	Тақдимот	Мақтаб кутубхоначи ходимлари учун семинар	
Вилоят Туман					

Эълон қилинган ишлар


Даражаси	Йили	Эълон қилинган иш номи	Газета, журналда эълон қилинган иш	Нашр қилинган жой	Илова
Республика	2009	«Мақтаб АРМ фаолиятини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш»	«Маърифат» газетаси	Тошкент шаҳри	3
Вилоят Туман					

Сценарийлар				
Иш шакли	Мавзу	Синф	Илова	
Адабий-муслиқий композиция	Кўёш ўлкаси – Ўзбекистоним	5	4	
Мультимедиа кутубхоначилик дарси	Китоб тарихи	8	3	

Бугун ҳеч бир соҳани ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Таълим сифатини оширишда ҳам унинг ўрни ва аҳамияти чексиз. Шу нуқтаи назардан, Жиззах давлат педагогика институтида ҳар бир машғулоти замонавий компьютер технологиялари воситасида амалий машғулотлар билан бойитиб ўтишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур институт ахборот технологиялари маркази бошлиғи Жаҳонгир МАЖИДОВ билан суҳбатимиз ана шу хусусда кечди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги бир қатор фармон ва қарорлари, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида институтида изчил ва режали иш олиб борилмоқда. Барча факультет ва бўлимлар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Уларнинг барчаси институт локал тармоғига бирлаштирилиб, ҳужжат ва ахборот алмашуви тизимли йўлга қўйилди. Факультет ва бўлимларда дарслар проекторлар орқали тақдимот (презентация) шаклида ўтказишига алоҳида эътибор берилди.

— **ZiyoNET тармоғига институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ахборот таълим ре-**



у доимий такомиллашмоқда

сурсларини жойлаштириш қандай кечмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан ахборот таълим ресурсларини яратиш ва ZiyoNET жамонат ахборот тармоғига жойлаштириш дастурига кўра, институтда педагогика йўналиши, мусиқий таълим, тасвирий санъат, бошланғич таълим, психология, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Ўзбекистон тарихи, физика йўналишлари бўйича ахборот таълим ресурслари, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим ҳамда спорт-тарбиявий иш, меҳнат таълими йўналишлари бўйича электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилди.

Бундан ташқари, профессор-ўқитув-

ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ХИЗМАТИ

чилар ва талабалар томонидан тайёрланган диссертациялар, монографиялар, битирув-малакавий ишлари, курс ишлари, мустақил ишлар, мақолалар ва луғатлар тайёрланиб ZiyoNET тармоғига жойлаштирилди.

Бунда аввало, институт томонидан яратилаётган электрон ахборот таълим ресурсларининг сифат ҳамда мазмунини ўрганиш бўйича ташкил қилинган экспертлар гуруҳининг хиссаси алоҳида. Улар илмийлик, педагогик, дидактик, методик, психологик, эстетик, техник ва технологик талабларга жавоб бериши керак. Шундан сўнг мазкур илмий ишланмалар талаб асосида вазирлик қошидаги ZiyoNET ресурс маркази бўлимига тақдим этилади.

— Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот технологияларидан фойда-

Jarayon



ланиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларига ҳам тўхталсангиз?

— Дарҳақиқат, мазкур вазифа юзасидан институтда махсус режа ишлаб чиқилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган замонавий ахборот-коммуникация воситаларини, хусусан, компьютер ва интернетдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича профессор-ўқитувчилар тайёрлаш семинар-тренингида институтининг информатика ва ахборот технологиялари кафедрасидан 3 нафар ўқитувчи иштирок этди. Айни кунда ана шу иштирокчилар томонидан институтининг профессор-ўқитувчилар учун амалий машғулотлар ташкил этилмоқда.

Талабаларимизнинг кейинги йилларда республика ва халқаро фан олимпиадаларида мувоффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишида ахборот технологияларининг хизмати катта. Бу ютуқлар иқтидорли ёшларимизнинг яратилаётган имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланаётганлиги натижасидир.

«Ma'rifat» мухбири А.СОДИКОВ суҳбатлашди

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ

ундаги илк мураккабликларни қандай енгиш мумкин?

Дарҳақиқат, кўп йиллар давомида орттирилган тажриба ва ҳаётини хулосалар барча даврда ҳам ёш авлод учун муҳим ва аҳамиятли саналган.

Шу кунларда педагогика йўналишида илм олаётган талабалар учун амалиёт жараёнлари бошланган. Уч йил давомида фақатгина назарий билимларни олган ўғил-қизлар эндиликда мактабларда ука-сингиллари тенги ўқувчиларга дарс бериб, педагогик маҳоратлари, билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказишмоқда.

Яқинда бир танишим чет тили йўналишида таҳсил олаётган қизининг амалиётга чиққанию, дарс беришда қийналаётганини айтиб, «Сиз ўқитувчи сифатида унга керакли маслаҳатларни беринг. Қизим, ўқитувчилик қўлимдан келмайди, деб тушқунликка тушяпти», дея илтимос қилиб қолди. Шуларни ҳаёлимдан ўтказар эканман, бўлажак ўқитувчиларга биз катталарнинг ҳам педагогик, ҳам ака ёки опа сифатидаги маслаҳатларимиз асқотади, деб ўйлаб қолдим. Бўлажак ўқитувчиларга маслаҳатларим (насиҳат эмас!)ни қоғозга туширишга аҳд қилдим.

Ҳурматли, бўлажак педагог! Сиз улкан масъулият, сабр-тоқат, юксак маънавий билим ва тиниқ фикрга эга бўлишдек жиҳатларни ўзида мужассам этишни талаб қилувчи касбни танладингиз. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, мустақил фикрга эга бўлган баркамол авлоднинг шакллантириш сиз ва бизнинг бурчимиз эканлигини ҳис қила бошлаганингиз, қолаверса, сиз педагогика ва инсон шахсиятига доир барча билим ва кўникмаларга эга бўлишингиз керак. Асосийси, қуйидагиларга амал қилинг ва эсда тутинг:

— олий ўқув юртингиз атрофидаги умумий

Ta'kid



ўрта таълим мактаблари билан алоқа ўрнатиб, қуйи синф ўқувчиларининг мактаб ҳаётини ўрганишга киришинг. Бунда, албатта, мактаб директори, ўқитувчи ва мураббийлар билан олий таълим муассасасида ўқиётганингиз ҳақида маълумотнома кўрсатган ҳолда келишилади. Уларнинг руҳсати билан ҳафтасига икки ёки уч марта қуйи синфдаги дарсларни кузата бошлайсиз. Ушбу кузатувларингиз асосида кундалик тутиб, ҳар кунги ўрганганларингиз ҳақида ёзиб боринг. Болалар билан кўпроқ

суҳбатлашинг, бевосита ўйинларда иштирок этинг;

— мустақил равишда турли хил дарс кўргазмаларини тайёрлаб кўринг. Бобомиз Алишер Навоийнинг «Билмаганини сўраб ўрганган олим, орданиб сўрамаган ўзига зolim», деган ўғитларини ўзингизга шиор қилиб олинг;

— қийин ўзлаштираётган болалар билан ишлаб, уларга қандай ёрдам беришни ўз олдингизга вазифа қилиб олинг. Уларга машҳур инглиз педагоги М.Вестнинг «Киши ўрганишда ўқишни ўқиш билан, ёзишни ёзиш билан, тапиришни гапириш билан ўрганади», деган ғоясини тез-тез эслатиб туринг;

— 5 ёки 6-синфлар учун чет тили дарсликларини ўрганиб, уларга тажрибали устозларингиз ёрдамида иш режасини тузишни машқ қилинг. Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар маълум муддатга гуруҳ сизга топширилиб қолинса, бундан унумли фойдаланинг, уларни бошқаришни ўрганинг. Чўчиманг, сиз буни удалайсиз!

Эркин ОХУНОВ,
ЎзДЖТУ ўқитувчиси

Устоз-шогирд... Бу икки шахснинг бир мақсад йўлида интилиши демакдир. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, илк уйғониш даврида Шарқда бу муносабатлар олижаноблик ва инсонийлик асосига қурилган. Машҳур олим Абу Мансур ибн Ироқ ўзининг 12 та асари шогирди Берунийга бағишлаган бўлса, Замахшарий ўз шогирдлари камолини шахсий бахтидан доим устун қўйган. XI асрда яшаб ўтган Амир Кулол устоз-шогирдлик муносабатларининг нозик жиҳатлари ҳақида фикр юритиб, таълим берувчи ўз шогирдининг билим ва тарбия даражасини назорат қилиб бориши, лозим кўрилган пайтда унга тегишли кўрсатмалар бериш зарур, дея уқтиради. Шунингдек, шогирдлар ва тарбияланувчилар қошида устознинг суҳбати ниҳоятда қадрли бўлган. Шогирднинг устозига муносабати борасида қадим Шарқдан ҳар қанча ўрнатилган арзийди.

ILFOR TAЖРИБА МАКТАБИ

Ўрта Осиёга келган европалик олим Х.Вамберининг 1867 йили Лейпцигда нашр этилган «Чигатоё грамматикаси» номли китобида устоз-шогирдлик муносабатлари тўғрисида тўла ва мантиқан аниқ фикр юритади. Бундай гўзал аънаналар ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. «Устоз — отангдек улуг» деган нақлнинг негизида ҳам унинг маънавий жиҳатдан ота-онамиз билан тенглиги кўрсатилган. Шунинг учун устоз бўлишни орзу қилаётган ёшлар талайгина. Ўтган йилдан Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида «Устоз-шогирд» усулларида фойдаланиш юзасидан ўзига хос янги механизм татбиқ этилмоқда. Бу эса таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш, ўқитувчиларга амалий методик ёрдам кўрсатиш, айниқса, мактабда энди иш бошлаётган ёш мураббийларнинг иш жараёнини тўғри ташкил этиш учун маслаҳатлар бериш, педагогик жамоалардаги тажрибали ўқитувчиларга ёш издошларини бириктириш борасида кенг имкониятлар яратди.

Шу маънода Шахрисабз туман халқ таълим бўлимида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман таълим тизимида фаолият юритган фидойи устоз-мураббийлар ҳаёти ва ўзига хос ибрати хусусида сўзловчи «Илму-адаб соҳиблари» номли китоб нашр қилиниб, мактаблар фаолияти учун услубий кўмак вазифасини ўтамоқда.

Айни пайтда ҳамма фан йўналишлари бўйича 18 нафар устоз сараланиб олинган. Уларга 54 нафар шогирд бириктирилган. Худудий яқинлик уларни ҳар ҳафтада ўзаро дарс жараёнларида фикр алмашиб, устозлари

тажрибасини ўрганишга қулайлик яратаяпти.

26-мактаб немис тили фани ўқитувчиси Ойгул Жумамуродова ҳам шогирд-ўқитувчи сифатида ўрганган илфор тажрибалар асосида дарслар самарадорлигини оширишга эришди. Ўзаро тажриба алмашишлар натижасида бугун у ўз ўқувчисининг ютуғини кўриб турибди. Гап шундаки, 9-синф ўқувчиси Чарос Назарова немис тили фанидан ўтказилган умумтаълим фан олимпиадаси вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Бугунги кунда замонавий шаклдаги мактаб учун юқори касбий лаёқатга эга бўлган тажрибали, маҳоратли, мустақил фикрлайдиган, назарий билимларини амалиёт билан чамбарчас боғлаган ҳолда дарс олиб борадиган етук мутахассислар керак. Айниқса, информатика, математика, физика, биология ва кимё фанларини ўтишда бу жуда муҳим. Мукамал лаборатория амалларини бажариб тушунтириш ёки интернет тармоғига уланиб ахборот олиш йўллари ўқувчиларга кенг тарзда очиб бериш замон талабидир.

Шарқда устоз ибратига ҳам муҳим аҳамият берилган. Шу маънода илми толибнинг устоз олдидаги бурчи, устознинг ҳам шогирд олдидаги қатор масъулияти зикр этилган. Чунки бизга «Устоз» дея муружаат этганларидан, мен шу номни оқлаётганим, деган саволга жавоб топа билишимиз лозим. Буни яхши ҳис этган ҳолда ишлаш ҳар бир устознинг бурчидир.

Самад БЕРДИЕВ,
Шахрисабз ХТБ методисти,
устоз-мураббий.

«Хар кимнинг кўнглида бир қўшлик ери бор» деган ҳикмат қадимдан қолган. Бу — ҳар бир инсоннинг, айниқса, ёш ижодкорнинг қалбида олам-жаҳон орзулари, катта мақсадлари бўлади, деганидир. Уринчоқ, ғайратли, меҳнатдан қочмайдиган қаламкаш йигитимиз Бобур Жалолов (Бобур Наби) ҳам ана шундай орзуманд ёшлардан. У анча вақтдан бери ҳикоялар ёзади, инглиз тилидан таржималар машқ қилади. «Сурур» номли ҳикояси «Ёшлик» журналида босилиб чиққан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг IV курсида таълим олади; ўқидан кейин «Ma'rifat»да ишлади, «Чемпион» газетасида фаол қатнашиб келади.

Бобур ҳикояларида ўзи яхши билган, ҳис қилган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисаларни қаламга олади; уларни

образли тасвирлашга интилади. У ҳаётни, турли феъл-атворли одамларни ўрганишдан, ижодкор кўзи билан кузатишдан, ёзганларини қайта-қайта ишлашдан эринмайди.

Бобур етук ижодкор бўлиш учун миллий ва жаҳон адабиётининг мумтоз асарларини кўп ўқиши, системали равишда ёзиш билан шуғулланиши, халқимизнинг жуда бой тилини пухта эгаллаб бориши лозимлигини яхши англайди. Булар, шубҳасиз, келажакда ўзининг қувончли самарасини беради.

Бобур Наби сеҳрли сўз оламига — шарафли, машаққатли ва масъулиятли гўзал дунё сари илк қадамларини қўймоқда. Биз унинг қадами қутлуғ бўлишига тилакдошимиз.

Махмуд САЪДИЙ

Va'da



— Уйга вазифани ким бажариб келди?

Синфга жимлик чўкди. Ҳатто пашша учса, билинарди. Ногоҳ ичимда қандайдир ҳиссиётлар жўш ура бошлади, нимадир ғалаён қилаётгандек бўлди. Беихтиёр қўлимни кўтариб юбордим.

— Қани, сиз, турингчи?.. Исмингиз нима?

Жамила опа менинг исминини сўрагани. Бутун синф «гур-р» этиб, менга қаради. Ҳамма ҳайрон. Ҳеч ким мендан бундан кутмагани-да! Фақат Жамила опагина самимий кулиб турарди. Ҳаяжонланганимдан фамилиямни айтиб юборибман:

— Жалолов...

Синфдошларим кулгисига Жамила опа ҳам кулимсираб кўйди-да, сўнг иккала қўлини кўтариб, болаларни жимлатди.

— Ҳаяжонланманг, Жалолов, мен ҳам сизга ўхшаб ҳаяжонланганман. Лекин дарров енгиб ўтганман. Марҳамат, матнни айтиб бера-сизми?

У бу гапларни шундай мулоимлик билан айтдики, мен гуёки куёшда қолган музқаймоқдек эриб кетаёзим. Ичимда ғалаён кўтарган ҳадик ҳисси яна тугён урар, каминага қадалган ўттиз жуфт кўз масхара-лашга тайёрдек эди гуё. Ширин уйқудан кечиб, «шариллатиб» ёдлаганим эсимга тушдию, томоқ қириб, матнни айтишга киришдим. Афсуски, матн озлиги учун тез тугаб қолди. Айтиб бўлганимдан сўнг синфга яна жимлик чўкканини сездим. Ўқитувчимиз менга меҳрли нигоҳ билан боқиб турарди.

— Баракалла! Қойил! Сизга «беш» қўяман. Биринчидан, уйга берилган вазифани кунт билан бажариб-сиз. Иккинчидан, нутқингиз раво, талаффузингиз яхши чиқди. Ўтиринг, раҳмат!..

Ўша пайт қандай сеvingанимни тасаввур ҳам этолмай-сиз. Энг қизиғи, шу кун бошқа ҳеч ким уй вазифасини бажармаган экан. Балки, биринчи дарс бўлгани учун унчалик эътибор қилишмагандир. Эҳтимол, янги ўқитувчини синашгандир. Лекин бу «синов» ёмон натижа берганди. Жамила опа ҳеч ким ёдлагани учун ҳаммага, янаки кундалигига, «нўл» бўлмаса ҳам, «уч» қўйганди. Агар ўшанда шундай иш тутмаганида ҳозир пойтахтда ўқимаётган ва, энг ёмони, инглиз тилидан алифни «калтак» деб юрардим...

Бобур НАБИ

БИР УМРЛИК РАҒБАТ

Hikoya

— Қачон ўқийсан, бола! «Нўл» олавериб — сен, қўявериб — мен чарчамадим. Ёки уйингдагилар кундалигингни текширишмаяптими?..

Бошланғич синфда ўқиб юрган пайтларимда инглиз тили муаллимимиз ҳар кун шу гапларни айтиб, койирди. Мен ҳам негадир бу фанни ҳеч ёқтирмасдим. Очиғи, мактабимиз инглиз тилига ихтисослашган бўлишига қарамай, манави ўқитувчи дарс ўта бошлаганидан бери бор қизиқишим ҳам аста-секин ҳавога учиб кетди. Балки домланинг ўта қўполлиги ёқмагандир. Хуллас, инглиз тилидан билимим «нўл»га тушиб қолганди.

Мактабдаги бу койишлар ҳолва эди. Ҳамма томоша уйда бошланарди. Ўзи-ку бошқа фанлардан «аёло»га ўқирдим. «Ўқиш», «Она тили», «Атрофимиздаги олам», ҳаттоки, «Расм чи-зиш» ва «Музыка»дан ҳам «беш» олардим. Аммо, бу инглиз тили қурмагур...

Ҳар кун кундалик дафтариمنى дадамнинг шахсан ўзлари текширарди. «Беш»ларимни мақтарди. Бир-иккита «тўрт» тушиб қолса, астойдил танбех берарди. Шунинг учун доим «беш» олишга интилганман. Бунда, албатта, синф раҳбаримизнинг ҳам ҳиссаси катта. Бироқ онда-сонда пайдо бўлиб қоладиган «нўл»лар («онда-сонда»лигига сабаб — баъзида кундаликни муаллимдан яширардим, баъзан эса «нўл» қўйилган варақни йиртиб, янги саҳифани қайтадан тўлдириб қўярдим) сабабли «беш»ларимга аталган мақтовларни бир пулга чиқарганим етмагандек, уларни деб яхшигина сўкиш ҳам эшитардим. Бу ҳолат дадамнинг кайфияти яхшилигида юз берарди. Ишдан чарчаб, кайфияти ёмон бўлиб келган кунлари эса...

Қисқаси, иккинчи синф-

дан бошланган «нўл» можароси бешинчи синфда ўз якунига етар, деган умидда тўртинчи синфни тугатдим. Тўртинчидан бешинчига ўтганда, биласиз, синф раҳбари ҳам ўзгаради, фанлардан битта ўқитувчи эмас, алоҳида ажратилган муаллимлар дарс беради. Яна янги фанлар қўшилади. Шу тариқа, бешинчи синф ўқувчиси сифатида ўқишни бошлашни ҳамма болалар қатори мен ҳам интизорлик билан кутардим. Янги фанлардан «аёло»га ўқиб, янги синф раҳбаримиз эътиборига тушишни ўйлардим. Яна бир мақсадим — «синф сардори» бўлиш эди. У пайтлари бу «лавозим»ни барча ўқувчилар орзу қиларди ва шунга интиларди. Тўполончиларни жимлатасиз. Тартибсиз ўқувчилар бор, гапинга кирмайди, демоқчимисиз? Синф сардорининг айтганини қилишни синф раҳбарининг шахсан ўзи тайинларди. Ҳалиги бақироқ ўқитувчи бешинчи синфда дарс ўтмаслигини эса худодан ёлвориб сўрардим. Биринчидан, ҳамма-нинг олдида бақириб, «нўл» қўйишидан безган бўлсам, иккинчидан, кундаликка терилган «нўл»ларни кўриб, жаҳл отига минган дадам хаёлимдан ўтарди.

Сентябрь келди. Янги синфга, янги ҳаётга янги кийимлар ва янги ўқув қуроллари билан қадам қўйдик. Ҳамма нарса янги эди. Ҳатто инглиз тили ўқитувчимиз ҳам ўзгарибди. Бу янгиликни эшитиб, «ура» дея бақириб юборишимга оз қолди. Лекин бирикки синфдошим юрагимга гулгула солди.

— Олдинги ўқитувчимиз яхши эди. Буниси ундан баттар бўлиши мумкин.

Йўқ, юракдаги гулгула сал ариди. Негаки, инглиз тилидан кирадиган янги ўқитувчимиз аёл киши экан. Тўғри, айрим аёл муаллималар ҳам қаттиққўл бўла-

ди. Лекин ҳар ҳолда аёл-ку. Кўзига мўлтираб турсангиз, меҳри ийиб кетар. Янги ўқитувчимиз қорачадан келган, бўйчан, ёши 26-27ларда, доим кулиб юраркан. Исми — Жамила опа! Чиройли исм-а! Бизни ҳайрон қолдирган нарса — Жамила опанинг Ҳиндистонда ўқигани эди. Ана сизга янги-гилигу, мана бизга янги ўқитувчи! Ҳаммамиз биринчи дарсни интиқлик билан кута бошладик — дарсни қандай ўтаркан?

Ниҳоят, кутилган кун келди. Янги ўқитувчи юз-кўзларида табассум билан синфхонага кирди. Ҳаммамиз салом бердик. Болалар дарҳол Жамила опани саволларга кўмиб, ўқитувчига яхши кўринишга уринишарди. Шу зайлда дарс тугаганини ҳам билмай қолдик. Жамила опа янги дарсликдан бир матнни ўқиб эшиттирди: олти қаторли матнни ёдлашни уйга вазифа қилиб берди...

Ўша кун деярли барча дарслар танишиш билан ўтиб кетди. Мен ҳам янги ўқув йилидан олган таассуротларимни тезроқ аямга айтиб бериш учун уйга жўнадим. Мустақиллик ҳақида гапириб, биринчи кундан «беш» олганимни эшитиб, дадам хурсанд бўлди. Кечки овқатдан сўнг яна Жамила опа ҳақида ўйладим. Нима қилсам экан? Бирдан уйга берилган вазифа хаёлимга келди. Китобни очдим. Матнни ёдлаб борсам-чи? Жамила опадан ташқари, бошқалар ҳам ҳайрон қолишарди. Ҳеч бўлмаса, «уч» қўяр. Лекин шу фандан дарс тайёрлаганим учун ҳамма-нинг эътиборини ўзимга қаратаман-ку... Матнни ёдлашга киришдим. Ухлайдиган пайтим бўлганда жойимга ётаётим, аямдан вақтлроқ уйғотишини сўрадим. Эрта тонгда шеър ёдласа, каллага яхши киради, кейин бир умр эсингдан чиқмайди, деган-

ди дадам. Ҳозир ёдлаганимни саҳарлаб яна уч-тўрт марта такрорласам, ёдлаб оламан. Талаффузим сал ўхшамаслиги мумкин, лекин вазифани бажараман-ку. Паст овозда матнни такрорлаб, ухлаб қолдим...

«Буюртма» бўйича аям ҳар доимгидан эртароқ уйғотди. Ширин уйқудан туришим анча қийин кечди. Ҳали вақтли бўлгани учун бироз ранжидим. Кўрпанинг ичига кириб, яна ухламоқчи бўлдим.

— Ўзинг эртароқ уйғотинг, дегандинг-ку.

Аям шундай деб, ташқарига чиқиб кетди. Кечқурунги мақсадим энди эсимга тушди. Дарҳол турдим-да, китобимни очдим. Аввал бир қур кўз югуртирдим, кейин китобни ёпиб, кўзимни юмганча овоз чиқариб такрорлашга киришдим. Негадир жуда осондек туюлди. Худди шеър ёдлагандек «шариллатиб» ўқирдим. Аям чойга айтиб кетгач, тўхтадим. Энди тезроқ мактабга бориш керак. Биринчи дарс — инглиз тили. Апил-тапил чойимни ичиб, кийиндим. Сумкамни олдим, уйдан ўқдек отилиб чиқдим.

Турли ўйлар билан мактабга қандай етганимни билмай қолдим. Болалар билан кўришдим-да, орқароқдаги партага ўтирдим. Мени ҳаяжон босганди. Назаримда, матнни ёддан айтиб беролмайдигандек эдим. Ниҳоят, кўнғироқ чалиниб, Жамила опа кириб келди. Саломлашгач, ўз столига ўтириб, журналга бир нима-ларни ёза бошлади. Нима бало, уйга вазифа бергани эсидан чиқиб қолдимми?.. Эслатиб юборсаммикан?.. Атрофимга қарасам, ҳамма китобдан бошини кўтармай, ўқиш билан овора. Худди мендан аввал улар айтиб, биринчи бўлиб баҳо оладигандек хавотирга тушдим. Шу пайт синфда мулоим овоз янгради:

“ПУСАНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!”

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

“UN” ПАРКИ

“Кейинги бекат – UN кечаро!”. Тўрт кўча туташган жой – кечаро дейилади. Бу ерда машхур UN(Бирлашган миллатлар) боғи бор экан.

Боғ Жанубий ва Шимолий Корея ўртасида 1950 йили бошланиб – 1953 йилгача давом этган “6.25 уруши”да ҳалок бўлганлар хотираси учун яратилган. Урушда жанубликларга бошқа миллатлар ҳам кўмаклашган, боғда уларнинг рамзий қабрлари бор.

Боққа кириш бепул. Қабрларга гул қўйиш учун келганлар кўп эди. Кираверишда посбон қайси мамлакатдан эканимизни сўради. Агар меҳмон урушда қатнашганлар миллатига мансуб бўлса, махсус йўлбошчи ҳамроҳлик қилади.

Айтишларича, боғ баҳор фаслида жуда чиройли бўлиб кетаркан. Бир ён оппоқ олча гулига тўлса, бир ён – қипқизил наъматакка ўхшаш гуллар билан безанаркан. Кореяда қизиқ бир аңыз бор: агар олча гули тўкилаётган пайт уни тута олсангиз, бу йил бахт сизга кулиб боқади! Шу сабаб, баҳор чоғи осмонга сакраётганларни кўп учратасиз.

Боғ ям-яшил арчалар билан ўралган, ҳалок бўлган ҳар бир миллат аскарла-

рининг қабри алоҳида-алоҳида майдонда. Ўриндиклар майсалар устига ўрнатилган, боғнинг барча тарафлари яланглик бўлгани учунми, майин шабада айланиб юрар, танларга ором бақишларди.

ДЕНГИЗДА

Янаги манзил – Кванг ан ли! Автобус бекатидан денгизгача анча юрдик. Борган сари димоққа денгизнинг тахир, аммо ёқимли ҳиди кела бошлади. Денгиз шамоли гир айланарди. Олисдан кўм-кўк уммон кўринди.

Денгизга етгунча икки тараф озиқ-овқат, либослар дўконлари, ошхона, гўзаллик салони, меҳмонхона...

Денгиз. Охири осмонга туташган уммонни кўриб юрак ҳаприқиб кетади. Балиқчи қушлар гўжғон ўйнаётган денгиз осмони мовий рангда эди. Денгиз шовуллаши-ю, қушлар қийқириғи ўхшаши йўқ ўзгача кайфият уйғотди. Кум устида ялангоёқ юрдик.

Кўпириб, чайқалаётган денгиз тўлқинлари қирғоққа шитоб билан урилар, сув қирғоққа ҳар урилганида ичи бўм-бўш чиғаноқлару, сув ўтларини ташқарига иргитиб ташларди. Денгиз тўлқинлари билан қувлашмачоқ ўйнаётган, қумдан уй ясаб, кум устида беармон чопаётган болакайларга жуда ҳавасим келди.

Biz dunyoni tanimoqdamiz

Денгизга яқин жойда спорт майдончаси бор. Кун шомга яқинлашиб қолганига қарамай гавжум. Кимдир югурган, кимдир аргамчида сакраган, бадминтон ўйнаган, копток тепган, яна кимдир гимнастика билан машғул. Қизиғи, аксарият кишилар 50-60 ёшдан ўтганлар эди.

Ҳамма спорт анжумлари муҳайё, улар умумники, хоҳлаганча фойдаланиш мумкин, фақат қатъий қоида: уйга олиб кетиб қолманг!

Метрога тушиб Теён ёғ(бекати)дан чиқдик. Бекат яқинида Macdonald's емакхонаси бор экан, гамбургер еб уйга қайтдик.

ТАРВУЗ ЙИГИРМА МИНГ ВОН!

Бугун дам олиш куни, эрталабдан супермаркетга отландик. Икки қаватли бу супермаркет машхур Самсунг компаниясига қарашли. Кираверишда ўнг қўлда “сеил” бўлаётганди.

“Бу – ўз нархидан арзонроқ сотиш, баъзан ёлғондакам бўлиши мумкин”, — деди Зилола опа.

Биринчи қаватда кийим-кечак, атир-упа, тилла тақинчоқлар ва турли зебзийнатлар... Бурчакда оналари бозор қилаётган пайт халал бермаслиги учун болалар ўйин майдончаси. Айтишлари-

ча, Пусаннинг ҳар бир районида “Home plus” супермаркети бор. Энг катта “Home plus” супермаркети эса, метронинг яшил йўналишидаги Ненгжонг бекатидан чиқиб Кегим бекатига қараб юрилганда, йўл бўйида жойлашган.

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Ўнг қўлда биринчи блок мевалар: банан, киви, кокос, шафтоли, тарвуз, қулупнай... Қулупнайни доналаб сотишарди, тарвуз эса — 20000 вон! Банан арзонроқ, бир тўпи олти-еттита — 2000 вон. Кейингиси озиқ-овқатлар бўлими: булғор қалампирининг донаси 1000 вон эди. “—Кореяда ер кам, ҳамма нарса иссиқхонада етиштирилади, — тушунтирган бўлди Зилола опа, — Шунинг учун қиммат”.

Денгиз маҳсулотлари: устрицанинг олтитаси, қисқичбақанинг учтаси — 20000 вон. Товуқ, мол, ўрдак, чўчка гўшти бору, қўй гўшти йўқ эди.

Чап томонда китоб дўкони, ёнида жониворлар, ўртада эса, электроника бўлими, электроника жиҳозлари арзонроқ.

Кўрпа, болиш ва ётоқхона ичида кийиш учун шиппак олдик, 30000 вон бўлди. Доим жилмайиб турадиган сотувчи аёл бизнинг янгилигимизни билиб, кейинги сафар пакет билан келсак, ҳар бир харид учун 100 вон арзон бўлишини айтди.

РАХШОНА

“ТОҲҒИ ТАРОВАТ” МАМЛАКАТИДА

АССАЛОМ, УНИВЕРСИТЕТ!

ТАНИШИНГ, “PUFS”!

Бугун 1 сентябрь. Университетга йўл олдик. Ётоқхонамиз унча узоқ эмас, пиёда борса ҳам бўларкан. Ётоқхона зиналаридан пастлаб, катта йўлга чиқдик. Атрофга қарайман: бинолар баландлигидан осмон деярли кўринмайди. Ҳар бинонинг ўз айвончаси бор. Кечкурунлари йигит-қизлар, қўшни ажуммалар дардлашиб ўтиришади.

Пусан чет тиллари университети тоғнинг нақ устида жойлашган экан ёки менга шундай туюлди. Тепага кўтарила бошладик: чап ёнда милиция пост, кириб-чиқаётган машиналар назорат қилинади, ўнг қўлда катта тош: хитой иероглифида университет номи ёзилган.

Кореяда Хитой мустамлакачилиги давридан то қирол Сёжонг “хангил” деб номланган корейс ёзувини тартиб бергунига қадар хитой иероглифлари фойдаланилган. Шу сабабми, иероглиф ёзувини кўчаларда ҳар қадамда учратиш мумкин.

Озроқ кўтарилдик, икки ён — қатор дарахтзор, йўл буралиб тепага ўрлаган. Энг биринчи — беш қаватли “М” бино; магистратура бўлими экан. Иккинчи томон стадион, ям-яшил майсазор. Кейингиси “С” бино; томига PUFFS деб ёзилган, университетимиз инглизча номининг қисқартмаси.

Университет америкача услубда қурилган: жигарранг, қизғиш гиштин ва оқ бинолар, шакл берилган арчалар, саришта йўлак, ҳатто бирон хазон йўқ. Ҳар ерга ёпиштириб ташланган “Who next Mr. Bin” ёзуви эътиборимни тортди. Айтишларича, жаноб Бин — Америка университетлари билан “Ўзаро талаба алмашинув дастури”ни йўлга қўйган халқаро алоқалар бўлими ходими экан.

Арчалар билан қуршалган зина орқали кўтарилдик. “Lab” деб аталувчи бу бинода корей адабиёти факультетининг ўқитувчилар хонаси, халқаро ало-

қалар бўлими, почта жойлашган. Иккинчи қаватда чет эллик талабаларга дарслар ўтилади, тўртинчи қават компьютер хона, интернет уланган, фойдаланиш учун ҳар талабага 4 соат вақт — бепул. Телевизор, DVD ҳам бор, кино танлаб кўриш мумкин, корейслар кино чет тилини ўрганишнинг энг яхши усули, дейишади.

Кейинги бино — кутубхона. Биринчи қаватда чет тилларидаги бадиий, илмий, дарслик китоблар, иккинчи қаватда журнал, диссертация, луғатлар; учинчи қават иккига бўлинган, бир ёнда — адабиёт, жамиятшунослик, иқтисодиёт, сиёсатга оид китоблар, иккинчи ёнда — турли газеталар, тўртинчи қават эса санъат, фалсафа, мантиқ ва диний китоблар бўлими, ҳатто Куръони каримнинг ҳам таржимаси борлигини кўриб, ростдан ҳайрон қолдим. Ҳар бир қаватда китобхонлар учун ўқув зали ва дам олиш учун алоҳида жой ажратилган.

Эндигиси — “I” бино. Талабалар бўлими, магазин, ошхона, авиакасса, фотостудия, иккинчи қаватдан юқориси дарсхоналар. Ёнида “IT” бино, ўртада қанот ёзиб турган бургут ҳайкали. Бу — университет рамзи, олдида расмга тушдим. Яна ҳам тепароқда “F” бино, Ўрта Осийё тиллари кафедраси экан, ўзбек, қозоқ, турк, вьетнам, хитой, япон, ҳинд тиллари ўқитилар эмиш. Чарчадик, “F” бинони кейинги гал кўра қоламиз....

ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАН СЎНГ

“С” бинодаги анжуманлар залига барча чет эллик талабалар йиғилган: турк, хитой, япон, вьетнам, тай, рус ва америкаликлар бор эди. Кимдир бир йилга, кимдир олти ойга, кимдир икки ва яна кимдир тўрт йилга келган.

Очилиш маросими. Корейс адабиёти факультети декани ўқитувчиларни таништирди. Айтишларича, сентябрда-

ги бу маросим фақат чет элликлар учун. Кореяда янги семестр баҳорда бошланади ва катта тантана қилинади.

Талабалар орасида хитойликлар кўп эди. Тест синови бўлди, суҳбатдан ўтдик. Энди билим даражамизга қараб гуруҳларга бўлишади.

Тест жавоби эртага чиқар экан.

Ким Тейжин ажоши чакиртирди. Юз доллардан бериб, суғуртадан ўтдик. Бир йил давомида шифохонага тушсак, харажатларнинг ярмини тўлаб беришар экан. Агар акси бўлса, пул суғурта компаниясига қолади.

— Шифохоналарининг шароити, дори-дармонлари жуда яхши, лекин рўйхатдан ўтиб, кафолат пули бермагунларича, ҳатто оғир аҳволда бўлсангиз-да киритишмайди, — деди Ким Тейжин ажоши. — Тез ёрдам хизмати қиммат. Шу сабабли беморлар шифохонага ўз оёғи билан боради. Суғурта компанияси одамларга оз-моз ёрдам қилади. Яхши-ку!

Сўнг жаноб Ким бизни тушликка таклиф қилди.

Корея университетларининг ўхшаш ва фарқли шундай жиҳатлари борки, гапиришга арзийди, деб ўйлайман. Университетларда “ҳаксенг чжан” лавозими бор, бу — талабалар сардори дегани. Ҳар баҳор ойида — янги ўқув йили бошланган пайт сайлов ўтказилади. Фаол талабалар икки киши-икки киши бўлиб, ўз дастурлари билан чиқиб, номзодини кўрсатишади.

Кўп овоз олиб сайланган ҳаксенг чжан бир йил давомида талабаларнинг муаммолари, уларга яратиб берилажак шароит ёхуд камчиликлар ҳақида қайғуради. Ректорга ҳам у кириши мумкин. Бир талаба икки маротабагина ўз номзодини таклиф этади, холос.

Айтишларича, бу тадбир талабаларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш ва бор имкониятдан фойдаланишга, раҳбар бўлишга ўргатар экан. Талабанинг ўз қобилиятини чамалаш имконини ҳам бераркан.

ТАЛАБАЛАР, ДАРС БОШЛАНДИ!

Эртасига имтиҳон жавоби эълон қилинди. Яйра ва мен чунг(ўрта) гип, Мақсуд чо(бошланғич) гипни ўрганадиган бўлдик.

Дарслар бошланди! Ўқитувчилар биринчи дарсдаёқ ҳурматимизни қозонди. Талабалар билан тенгдошдек муносабатда бўлишлари ўртада илиқ муносабат уйғотди. Устозларнинг бари чет элда ўқиб келган, дунё кўрган одамлар эди.

Фанларни эркин танладик. Дарс жадвалимда корейс тили, корейс грамматикаси, маданият ва жамиятшунослик, газета тили, инглиз тилида ўқиш, инглиз тилида сўзлашув каби фанлар бор. Ҳар куни 5 соат, 45 дақиқадан; дарслар фақат корейс тилида.

Корея таълим системаси бизникидан биров фарқли. Ўқув йили бошида дарс жадвали китоби тарқатилади, ўқитувчинини ва дарс вақтини ўзингиз танлайсиз. Сиз билмайдиган ўқитувчи дарсига кириб ўтиришнинг мумкин. Ўз жадвалингизни талабалар бўлимидан тасдиқлатиб олсангиз, бўлгани. Оралиқ назорат иши — ҳар чоракда, якуний — яримйиллик охирида бир маротаба бўлади.

Университет интернет тармоғида ҳар бир талабанинг ўз папкаси бор. Папка яширин рақам билан ҳимояланади. Уни фақат сиз биласиз, фан натижалари ҳам шу ерга жўнатилади. Рейтинг дафтарчасига ҳожат йўқ.

Баҳолаш системаси ҳам бошқачароқ. Адан — Фгача бўлган ҳарфлар, +(плюс), -(минус) билан. А — 5, Б — 4, С — 3, Д — 2, Ф — 1 баҳони билдиради ҳамда +(плюс) ва -(минус) эса, билимингиз юқори ёки паст, салбий ёки ижобий томонга ўзгараётганини билдиради.

Талабалар орасида бир гапни эшитиб, ҳайрон қолдим: “Бир марта ҳам Ф олмаган талаба — зерикарли талаба” (ҳавас қиларли талаба эмас!).

ЧЕТ ЭЛЛИК ТАЛАБАЛАР

Университет нашриётдан дарсликлар сотиб олган, ётоқхонага қайтдим.

Россиядан уч талаба келибди: Даша — калта, сап-сарик, жингалак сочли, ўзини ёш боладек тутлади. Света — юзида кулгичи бор. Узун сариқ сочини доим битта ўриб ташлаб олади ва доимо узун кўйлак кийиб юради. Диний мактабда ўқиган экан. Даша билан Света олти ойга келишибди. Анна эса, сочлари сарғиш-оқ, ўзи сариқ, кўзи кўк чиройли қиз эди. Масъулиятли, ўқишга иштиёқи баланд, биринчи яримйилликни яқунлаб, уйига кетган, энди ко(юқори) гипни ўрганади эмиш.

Ўқиш давомида Хитой, Виетнам, Япониядан келган талабалар орасидан ҳам Кван Им, Пу Чун, Жу Хон, Чок Шимун, И Намнам, Со Хваннам, И Хемун, Ли Тзин, Кинг, Чжянг, Дуэн каби кўп дўстлар орттирдим. Кўнглимга яқини хитойлик Со Хваннам ва Ли Тзин эди. Со Хваннам билан корейс тили, Ли Тзин билан инглиз тили дарсини бирга ўргандик. Иккисининг ҳам бирдан-бир орзуси — Корейда яхши иш топиб, яшаб қолиш эди. Қайтишимдан олдин бирга ошхонада овқатланар чоғимиз Хитойдаги телефон ва уй манзилларини ёзиб беришди. Ўзбекистонга ҳам, албатта, меҳмонга келишларини айтишди.

ЧУСОК

Чусок — корейс халқининг энг катта байрамларидан иккинчисидир. Ҳосил байрами деса ҳам бўлади, бу пайтда бободехқонларнинг баҳорда гуллаб, ёз мобайнида куёшдан шира олган мева ва ҳосиллари пишади. Қишни бошлаб берадиган фасл ҳамда ой катта бўлиб тўлишадиган кун бу. Байрамнинг сентябрда нишонланиши ҳам шундан.

Айтишларича, Чусок уч қироллик(Гогурё, Пекче ва Шилла — 57 В.С. — А.Д. 668) давридан бошланган, 15 июлдан 15 августгача бир ой тантана қилинган. Охириги кун миннатдорлик изҳор этилиб, танишлар бир-бирининг уйида меҳмон бўлишган, ўйнаб-кулишган.

Чусок кунини сонг пён деган таом пиширилади. Унга далалардан йиғиб келинган барча дон ва экин маҳсулотлари солинади. Оилавий йиғилишиб тайёрланадиган таом. "Ширин чиқса, фарзандингиз чиройли бўлади, агар яхши бўлмаса, хунук фарзанд кўрасиз" дейишгани учун келинлар бу таомни бор меҳрларини бериб тайёрлашади.

Хар йили Чусокда университет чет эллик талабалар учун байрам дастурхони ёзар экан. Хоҳлаган талаба қўшиқ, рақс ёки бирор қобилиятини намойён қилиши мумкин. Байрамга яқин эшик, деразаларга шу мазмунда эълонлар осилди.

Ўзбекистонликлар номидан Яйра қўшиқ айтадиган бўлди.

Бугун узоқ кутилган кун. Ясаниб байрамга ошиқдик. Кираверишда корейс йигит-қизлари кутиб олишди. Олти кишилик швед столи, бир чеккада турли ноз-неъматлар...

Байрамни факультетимиз декани очиб берди. Виетнамлик дугонам Кинг дўстлари билан инглизча қўшиқ куйлади, Туркиялик Энген ва дўсти Эртан гитарада Тарканнинг "Симарик" кўшигини айтишди. Света гармонда рус миллий куйини чалиб берди.

Қайтаётганимизда ҳаммамизга Чусок совғаси тарқатилди.


Хонадошларимиз байрамни давом эттириш учун Норепангга кетишди. Норе — қўшиқ, панг — хона дегани, караокэнинг ўзгинаси. Биздагидан фарқи — алоҳида хона олинади, қўшиқни ўзингиз танлайсиз. Бақириб-чақириб куйлайсиз, дўстларингиздан бошқа ҳеч ким сизни кўрмайди, эшитмайди ҳам!

Байрам кунлари корейс дўстларимиз ҳам аввал сулчиб(қовоқхона)га, кейин норепангга борибди. Хумордан чиққунча ашула айтиб, бир йиллик чарчоқларини чиқарибдилар.

(Давоми бор.)

ЕРГА ЯҚИНЛАШАДИ

Аэронавтика ва самовий тадқиқотлар агентлиги (НАСА) мутахассисларининг хабар беришича, шу йилнинг 20 октябрь кунин сайёрамиздан 18 миллион километр узоқликда 103P/Хартли кометаси ҳаракатланиб ўтади. Эътиборлиси, сўнгги бир неча аср мобайнида бу турдаги бирон-бир самовий жисм Ерга шу даражада яқинлашмаган эди, дейилади агентликнинг расмий сайти(nasa.gov)да.




маротаба океанортилик космонавт Билл Кук сентябрь ойи охирида суратга олган. Бунинг учун у Мэйхилл (Нью-Мексико штати)даги телескопдан фойдаланган. Лекин тез кунларда самовий жисм Ерга яқинлашгани сари аввалгидан-да тиникроқ суратларни олишга имкон туғилади. Айна пайтда кометани кичик телескоплар, дурбин ва ҳатто ҳеч қандай асбобсиз ҳам кузатиш мумкин бўлади.

Мутахассисларнинг айтишича, аслида комета илк маротаба 1986 йили аниқланган. Кейинги ой бошларида эса НАСАНинг «ЕРОХI» самовий аппарати унга жуда ҳам яқин — бор-йўғи 700 километр масофада ҳаракатланиб, самовий жисмни тасвирга олиши кутилмоқда.

ФАНГА НОМАЪЛУМ ТИЛ

Ҳиндистондаги Аручанал-Прадеш штатининг шимоли-ғарбида лингвист олимлар томонидан шу кунга қадар фанга номаълум бўлган тил аниқланди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, у хитой, тибет ва бирма тилларига қардош экан, деб ёзади «Сайнс» илмий нашри.

Янги тил ҳақида «Нэйшнл Жеографик» («National Geographic») журнали томонидан ташкил этилган илмий экспедиция орқали маълумотга эга бўлинди. Кору деб номланадиган бу тилда 800 нафарга яқин одам сўзлашар экан.




Аслида эса олимлар Ҳимолай тоғлари этагида жойлашган Аруначал-Прадеш штатига сино-тибет тилларининг тибет-бирман оиласига мансуб ҳамда шу пайтгача кам ўрганилган ака ва мижи тилларини ўрганиш мақсадида келган. Маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашадиган тадқиқотчилар ака ва мижидан луғат бойлиги, талаффузи ҳамда грамматик жиҳатдан фарқланадиган учинчи тил муомалада бўлганини кузатган.

— Кору ўрганилиши мақсад қилинган ака тилидан батамом фарқ қилади, худди инглиз ва япон тиллари ўртасидаги тафовут қандай бўлса, улар ҳам шундай, — дейди тадқиқот раҳбари Дэвид Харрисон. — Масалан, ака тилида ҳайвон сўзи во бўлса, корочада — леле.

Кору тили жаҳон лингвистикасида қайд этилган тиллар рўйхатида 6909-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, мазкур тилда сўзлашувчиларнинг жуда ҳам оз қисмини ёшлар ташкил этади. Шу сабаб, олимлар бу тилнинг йўқолиб кетишидан хавфсирашмоқда.

ЯНГИ ТУРЛАР АНИҚЛАНДИ

Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди БМТнинг биологик хилма-хиллик бўйича Конвенциясига бағишланган конференция олдида ўз ҳисоботини эълон қилди. Унда таъкидланишича, ўтган йили Жануби-шарқ



Кометани ҳозирнинг ўзидаёқ Кассиопея юлдузлар туркумида кузатиш мумкин. Самовий жисм оч яшил рангдаги чизик шаклида кўринмоқда. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, уни бу йил ҳисобидан илк



ий Осиё ва Океанияда юздан ортиқ янги турдаги ҳайвонлар аниқланган. Бу ҳақида АП хабар берди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимлик оламининг 145 тури топилган. Айна пайтда Папуа-Янги Гвинеяда иккита янги турдаги қурбақа ва қизил кўзли чигиртка аниқланган.

Меконг дарёси ўзанида фаолият олиб боровчи Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди вакиллари берган маълумотга кўра, Жануби-шарқий Осиёда қайтарма тишли балиқ, ёрқин қизил тусдаги калтакесак, баландлиги 7 метргача етадиган ва ҳашаротлар билан озикланадиган ўсимлик қайд этилган. Шунингдек, рўйхатга тишсиз илон, чигирткага ўхшаб овоз чиқарадиган бақа ҳам киритилган.

Олимларнинг айтишича, ҳудуддаги бу каби биологик хилма-хиллик янги топилган турларни асраб-авайлаш учун қатор ишларни амалга оширишга ундайди.

МУОПАЖАГА ХАЛАП БЕРАДИ

Онкологик касаллик аниқланган беморнинг терапиядан бир неча кун олдин ҳиссий (руҳий) зарба олиши ёки кўп ҳаракат қилиши саратон муолажалари самарасини аввал тасаввур қилинганидан кўпроқ пасайтириши аниқланди. Оҳайо штати университети олимлари кўкрак беши саратони хужайралари устида қатор изланишлар олиб боргандан сўнг шундай хулосага келишди. Уларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Молекуляр Кэнсер Ресэрч» («Molecular Cancer Research») журналида чоп этилди.

Маълум бўлишича, асабийлашиш ёки руҳий зарба, хусусан, жисмонан одатдагидан фаолроқ ҳаракат қилиш инсон танасидаги маълум бир оқсилнинг жадал ишлашига сабаб бўлади, ўз навбатида, мазкур оқсил касалликка қарши муолажанинг бесамар кетишига ва саратон хужайраларининг дори-дармон воситаларига чидамли бўлишга олиб келувчи реакциялар занжирини ишга туширади.

— Бу турдаги оқсил фанда HSF-1 (heat shock factor-1, иссиқлик оқсили-1) дея номланади, — деди тадқиқот раҳбари Алан Дикс. — Айна унинг фаолияти туфайли саратон хужайраларини нобуд қилишга қаратилган муолажа усуллари таъсири уларнинг ДНКси радиация нурлари ёки кимёвий терапия орқали парчаланганда ҳам сезилмаган. Бошқача қилиб айтганда, хужайралар даволаш пайтида нобуд бўлиш ўрнига ўзлари мустақил равишда тикланиб, яна бўлиниш йўли билан кўпайиб бораверган. Лекин кейинги тадқиқотлар доирасида улар маълум турдаги молекулалар билан таъсирланганда хужайраларнинг нобуд бўлиши яна кузатилган.



Мутахассисларнинг фикрича, изланиш туфайли эндиликда HSF-1 оқсили фаолиятини тўхтатадиган дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш имкони туғилди. Бошқача қилиб айтганда, келгусида тадқиқот натижаларидан саратонга қарши терапиядан қўшимча восита сифатида фойдаланиш мумкин. Унгача эса олимлар беморларга муолажадан олдинги муддатда ҳиссий (руҳий) зарбалар ўзини ҳимоя қилиш ва ортиқча жисмоний меҳнатга берилмасликни тавсия қилади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти раҳбарияти ва жамоаси «Мақтабдан ташқари таълим, спорт ва мусиқа» кафедраси катта ўқитувчиси Саидмурод Содиқовга онаси **Санталатхон ая СОДИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси жамоаси Механика-математика факультетининг Назарий ва татбиқий механика кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори **Бахтияр АТАЖАНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти қошидаги Молия академик лицейининг маъмурияти ва педагоглар жамоаси лицей директори Тошнзия Аҳмедовга онаси **Тошбуви ая ҲАМРОЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

NUTQING RAVON BO'LSIN, BOLAJON!

Bola nutqining me'yorida rivojlanishi uning aqlan sog'lom o'sayotganini ham bildiradi. Bola atrofdagilar bilan muloqot chog'ida ko'nikma hosil qilibgina qolmay, ma'lumotlarni ongli ravishda eslab qolish, umumlashtirish, taqqoslash kabi aqliy faoliyat malakalarini ham o'zlashtiradi. Bolalar nutqini o'rganish, rivojlanishiga yordam beradigan vositalarni topish biz — logopedlar oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

Farg'ona shahridagi 34-maktabgacha ta'lim muassasasida bolalar nutqini o'stirish hamda sog'lomlashtirish yo'nalishida o'ziga xos tajriba to'plangan. Muassasada asosan nutqida kamchiligi bor bolalar tarbiyalanadi. Ko'p yillik tajribaga ega logoped-tarbiyachilar ularga ravon gapirish, so'zlarni to'g'ri talaffuz qilishni qunt bilan o'rgatadilar.

Mashg'ulotlar bolalarga tanish va qiziqarli bo'lgan — o'yinchoqlar, hayvonlar, mevalarga bog'lab, olib boriladi. "Uy hayvonlari bilan tanishtirish", "Biz fermaga bordik", "Qirqimlarni butunla", "Do'stlar uchrashganda", "Qurbaqa malika" kabi mavzular bolajonlarning sevimli mashg'ulotidir. "Do'stlar uchrashganda" mashg'uloti bir-biriga jo'rovoz bo'lgan bolalar o'zi biladigan hayvon ovozigacha taqlid qiladilar:

- Salom, mushuk!
- Miyov-miyov!
- Salom, kuchuk!
- Vov-vov-vov!
- Salom, uloqcha!

— Mee-mee!

Mana, do'stlar uchrashdilar.

Logoped-tarbiyachi shifokor, musiqa rahbari, jismoniy tarbiya yo'riqchisi bilan hamkorlikda ish olib borsa, bolaning nutqi rivojlanish jarayoni samara berishi mumkin. Hamkorlikda tashkil etilgan logoritmika mashg'ulotlari bola nutqidagi nuqsonlarni musiqa ohangi ostida harakat uyg'unligida bartaraf etishga imkoniyat tug'diradi.

Tarbiyachi «Mevalar» mavzusida gapirsa, bolalar tarbiyachining aytganlarini musiqa sadolari ostida qo'l, oyoq harakatlari bilan ko'rsatib boradilar:

**Biz boqqa kirib keldik,
Olma daraxtiga yetdik.
Oyoq uchida turib
Olma uzdik ataylab.
Keyin sekin engashib**

Savatga soldik avaylab, — deyilganda bolalar bu jarayonni o'z harakatlari bilan ko'rsatib beradilar.

Farzand — gul. Uning parvarishi katta mehnat talab qiladi. Bolaning tarbiyasi ota-onaninggina ishi emas, u atrofdagi barcha odamlar zimmasida, jumladan, biz — tarbiyachilarga ham katta mas'uliyat yuklaydi. Bolajonlarning har taraflama sog'lom, yetuk, barkamol bo'lib voyaga yetishida o'zimizning munosib hissamizni qo'shayotganimizdan mamnunmiz. Har gal mashg'ulotlarga zo'r qiziqish bilan qatnashayotgan kichkintoylarni ko'rib, «Nutqing ravon bo'lsin, bolajon!» degim keladi.

**Zamiraxon SAIDBOYEVA,
Farg'ona shahridagi 34-MTM
uslubchisi**

Эрта тонгда уйғониб, ўқишга, ишга томон йўл оларканмиз, кийимларимизни обдон кўздан кечирамиз. Либосим чиройлими, одамлар кулмайдимиз, деб ҳамроҳимиздан секингина сўраб қўямиз. Бу кийимда танамизнинг қандай нафас олишини эса ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Мақсадимизни салгина ўзгартириб — ўқийман, кишиларга фойдам тегадиган инсон бўлман, десак биздан нима кетади? Аслида, бу икки ниятда ҳам мақсад деярли бир хил, фақат, кутиладиган натижада фарқ бор, холос.

Бундан ташқари «Кизим, уйни тозалаб қўй, меҳмон келиб қолса, нима дей-

Fikr



нима деркан?» деган қараш онгимизга ўрнашиб қолгандир!

Бу масалада уй бекаси Кимё Собирова шундай дейди: «Агар болага бирор воқеанинг ёки сўзнинг энг ёмон маъносини, оқибатини айтсангиз, у болага тез таъсир қилади ва ўша сўзни, воқеани тақорламасликка ҳаракат қилади. Тарбияда ҳам худди шундай, бировдан уялса, дангасалигининг оқибати ёмонлигини англаса, ҳар ишни вақтида бажаришни ўрганайди». Бу масаланинг бир «лекин»и бор. Айрим болаларга қанча уқтирманг, ёмон оқибатларини айтманг, барибир ўз

ОДАМЛАР НИМА ДЕРКАН?

ди? Чанглари артиб қўй, биров кўриб қолса, айб қилади!» қабилидаги гаплар қизи бор хонадонларда тез-тез кулоққа чалиниб туради. Тозалик, озодалик биров учунми? Агар уйимизга кимдир келмаса, ҳеч қаерни тозаламай ўтираверамизми? Йўқ, албатта, хонадонимизни кунда-кунора супуриб-сидирамиз, лекин болаларга дашном бераётганда нега бу сўзларни ишлатамиз? Юқоридаги саволни бир неча оналарга, аёлларга берганимда аввал бир зум жим ўйга толишди. Кейин ўша саволни ўз-ўзларига беришди. Ҳақиқатдан нега шунанга?

«Одамлар нима деркан?». Қачон биз ҳаётга, қиладиган ишимизга нисбатан бундай қарашни ўргандик. Болалар уст-бошини кир қилганда онаси дакки беради: нега кийимингни ифлос қилдинг, кўрганлар нима дейди, фалончининг боласи кийиб юрган кийимига қара дейишмайдимиз? Оналар кизининг, опалар сингисининг ишидан қониқмас экан, уйнинг аҳволини қара, қизи бор уйга ўхшамайди, келадиган меҳмонлардан уялмайсанми, дейишади. Балки мана шу тарбия туфайли «Одамлар

билганидан қолмайди. Бошқа бировига эса уйни тозала дейишнинг ҳождати йўқ, унинг ўзи жуда яхши билади.

«Тозалик характерга боғлиқ. Характерда эса бир неча темпераментлар мавжуд. Нега оналар айнан юқоридаги сўзларни ишлатишига келсак, — дейди психолог Гулнора Акмалхўжаева, — бу менталитетга, ўзбекларга хос сўзлар. Рус аёллари ёки америкалик оналар «бировлар нима деркан» деб ўйламайди. Тоза тутса тутар, тутмаса ўзи билади. Улар ўзи учун яшайди. Ўзбеклар эса бутунлай бошқача, улар учун атрофдагиларнинг фикри ҳам аҳамиятли. Бу тозалик биров учун дегани эмас, бу ўзбеклардаги шарм-ҳаё билан боғлиқ масала».

Тўғри, ўзбекларнинг ғарбликлардан фарқли томони ҳам айнан шунда. Бугун биз кўп нарсаларда ғарбдан андоза оляпмиз. Керакли жиҳатларни олиш керак, албатта, фақат ўзлимизни сақлаб қолган ҳолда. Яъни, ўзим бўлай деб эмас, бошқаларга ҳам зиёним тегмасин.

Энди бу тақлифга одамлар нима деркан?

Умида РАҲМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 2011 йил учун докторантура ва аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Докторантурага	13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан соҳалари ва таълим босқичлари бўйича)
Аспирантурага	13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан соҳалари ва таълим босқичлари бўйича)

Докторантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли фан номзодлари, аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта оладиган шахслар мутахассислар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг олий ўқув юрти тавсияси билан аспирантурага кириш учун бўладиган танловга қўйиладилар.

1. Ариза.
2. Шахсий варақа ва таржимаи ҳол.
3. Иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун).
4. Чоп этилган илмий ишлар ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).

Илмий ишлари эълон қилинмаган ва ихтиролари бўлмаган шахслар танлаган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис - олим тақризи илова қилиниши лозим.

5. Аспирантурага бевосита ОТМни тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиантлари, имтиёзли диплом эгалари, ОТМ Илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун ОТМ Илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма.

6. Олий таълимнинг барча босқичларини ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси.
7. Номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса).
8. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун).
9. Тиббий маълумотнома (086-шакл).
10. 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.
11. Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.

Докторантлар учун қўшимча

1. Олий маълумот, фан номзоди илмий даражаси дипломи ва доцент (хатта илмий ходим) илмий унвони аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса).
2. Тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 15 кун давомида қабул қилинади.



AFC U-19 CHAMPIONSHIP


НАВБАТДАГИ ГАЛАБА ЖЧГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Аввал хабар берганимиздек, Хитойда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этяпти.

«В» гуруҳидан ўрин олган юртдошларимиз гуруҳ босқичидаги сўнгги матчни Ироқ терма жамоасига қарши ўтказди.

Айтиш керакки, мазкур ўйинга қадар Марат Кабаев шогирдлари чорак финал йўлланмасини ҳал қилиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам Ироқ билан ўтган баҳсда захирадаги футболчиларга имконият берилди. Деярли иккинчи таркиб билан майдонга тушган ўзбекистонлик ёш футболчилар гуруҳ аутсайдерлари — ироқликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, юз фоизлик натижа билан плей-офф босқичига чиқди.

Биринчи таймга қўшиб берилган дақиқада ҳамюртимиз Акрим Бахрид-



динов рақиб футболчиси ошириб берган тўпни Ироқ дарвозасига йўллади. Матчининг иккинчи таймини кўтаринки кайфиятда бошлаган ҳамюртларимиз

ўйиннинг қўшиб берилган дақиқаларида яна гол киритиб, ҳисобни мустақамлашга муваффақ бўлди. Тўпни Сардор Мирзаев ўз ҳисобига эзиб қўйди.

Жануби-Фарбий Осиёдан ташриф буюрган Бахрайн ҳамда Ироқ терма жамоалари мусобақани мuddатидан олдин яқунлашга мажбур бўлган бўлса, ҚХДР 6 очко билан гуруҳда иккинчи бўлди. Шимолий корейликлар энди чорак финалда мезбонларга қарши тўп сурса, юртдошларимиз Саудия Арабистони ёшлари қаршилигини енгиб ўтишига тўғри келади. Ўйлаймизки, М.Кабаяев шогирдлари бу вазифани ҳам уddалаб, 2011 йили Кolumбиyада ўтказиладиган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш имконини берувчи йўлланмага эгаллик қилади.

Шаҳина ЖЎРАЕВА

ХАБАРЛАР

Кеча пойтахтимизда тазквондо «пумсе» йўналиши бўйича V жаҳон чемпионатига старт берилди. Мусобақалар олдиндан Бутунжаҳон тазквондо федерациясининг Бош Ассамблеяси йиғилиши бўлди. Беллашувлар баҳонасида кўплаб нуфузли меҳмонлар қатори федерация президенти Чунг Вон Чой ҳам юртимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бутунжаҳон тазквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон тазквон-

до ассоциацияси, Миллий Олимпия кўмитаси ҳамкорлигида ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақада 60дан ортиқ давлатнинг 600 нафарга яқин спортчиси голиблик учун куч синашди. Жаҳон чемпионати ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яққалик, жуфтлик ва жамоавий «пумсе» йўналиши бўйича ўтказилади.

Таъкидлаш зарурки, Бутунжаҳон тазквондо федерацияси (WTF) раҳбарияти мамлакатимизда спорт, жумладан, тазквондонини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани,

юртимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги катта тажрибаси ва имкониятларини инobatга олган ҳолда бу гал жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилган.

V жаҳон чемпионати мусобақалари 10 октябргача давом этади.

Мамлакатимизда йирик спорт тадбири ўтказилаётган бир пайтда Туркиянинг Анталия шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда мамлакатимиз вакили Влада

Йекшибарова ҳам бош соврин учун курашмоқда.

Саралаш баҳсларида ҳамюртимиз мезбонлар вакиласи Милена Зубкони 6:1, 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, асосий тур беллашувларига қўшилди.

Умидли теннисчимиз асосий турнинг дастлабки учрашувида чехиялик Вероника Коларова қаршилигини муваффақиятли енгиб, 7:5, 1:6, 7:6 ҳисобида зафар қучди. Навбатдаги даврада Влада Йекшибарова 6:1, 6:1 ҳисобида яна бир чехиялик теннисчи Моника Тумовадан устун келди. Эндилликда спортчимиз чорак финалда россиялик теннисчи Виктория Каменская билан рақобатлашади.

ҲАМ КИКБОКСИНГ, ҲАМ ТАЭКВОНДО ЧЕМПИОНИ

Спорт билан машғул бўлиш инсондан чидам ва масъулият талаб қилади. Лекин бир пайтнинг ўзида 2 спорт тури билан шуғулланиб, шу қаторда фанларни аъло баҳога ўзлаштириш учун чинакам ирода керак. Ана шундай интилувчан ёшлардан бири Шаҳноза Дадаева кикбоксинг билан 13 ёшидан бери мунтазам шуғулланиб келади.

Устози Шухрат Насруллаев кикбоксингнинг ўзига хос сирларини тинимсиз ўргатиб бориши натижасида у анча чиникди. Илк маротаба 2007 йили Нукус шаҳрида ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида иштирок этганида қаттиқ ҳаяжонланган эди. Айни пайтда мусобақадаги галаба унинг ўзига ишончини уйғотди.

Шундан сўнг у катта спорт мусобақаларида ўзини синаб кўра бошлади ва кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Масалан, 2007-2008 йиллари бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида ҳам, 2008 йили «Ўзбекистон кубоги» мусобақасида ҳам кикбоксинг семи-контакт йўналиши бўйича голиб деб топилди. 2009 йили Ўзбекистон биринчилигида икки-

та йўналиш бўйича олтин медаль билан тақдирланди.

— Оиламизда спортга қизиқиш жуда кучли. Кичиналигимда тез-тез касал бўлиб қолганлигим сабабли дадам мени чиниксин, дея спорт тўғрагига берганлар. Дастлаб мажбурият юзасидан машғулотларга қатнашган бўлсам, кейинчалик спортга кучли меҳр қўйдим, — дейди Шаҳноза.

Шаҳноза кикбоксинг билан бирга, яккакурашнинг тазквондо тури билан ҳам шуғуллана бошлади. Тазквондога қизиқиши ва доимий машғулотлар натижасида бу спорт тури бўйича ҳам ютуқларга эриша бошлади. Хусусан, 2008 йили Ўзбекистон очик чемпионати, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида ҳам голиб

деб топилди. 2009 йили эса ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида айнан шу йўналиш бўйича олтин медаль соҳибаси бўлди.

Шаҳноза айни пайтда Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ижтимоий фанлар бўлимининг биринчи босқичида таҳсил олмоқда. У ўқишда ҳам ўзининг билим ва салоҳияти билан тенгдошларига ўрناк.

Чемпионнинг мураббийлари у ҳақида меҳр ва ифтихор билан гапиришади. — Шаҳноза ўз олдига бир нарсани мақсад қилиб қўйдими, шунга эришмагунча қўймайди. Спортдаги ютуқлари ҳам унинг тинимсиз изланиши мевасидир. Шаҳнозага кикбоксингнинг қандай усулларини ўргатмай, тез илғаб олади ва хатосиз бажаради. Ҳозирда у бу йилги мавсумдаги спорт беллашувларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда, — деди Шухрат Насруллаев.

Кумар БЕГНИЯЗОВА
Қорақалпоғистон Республикаси



ЯНА 5 ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛАДИ

Голландиялик иқтидорли ярим ҳимоячи Уэсли Снейдер яқин кунларда Миланнинг «Интер» жамоаси билан имзоланган шартнома мuddатини узайтиришини маълум қилди, деб хабар берди «Il Corriere dello Sport» манбаси.



Маълумки, мундиал финалига Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси ҳам қизиқиш билдираётганди. Аммо 26 ёшли хавбек Апеннин яриморлида қолишни афзал билди.

Голландиялик футболчининг миланликлар билан 2015 йилга қадар шартнома

имзолаши кутилмоқда. Янги шартномага кўра, Снейдерга ҳар йили 6 миллион евро маош берилади.

КИЕВ — МЕЗБОНЛАР САФИДА

УЕФА ташкилоти футбол бўйича «Евро-2012» чемпионатини Киевда ўтказиш тўғрисидаги қарорини маълум қилди, дея хабар берди иттифоқнинг расмий сайти.

Мазкур қарор УЕФАнинг иккинчи сўраш кўмитаси йиғилишида бир овоздан қабул қилинди. Финал матчида ташқари, яна учта гуруҳ босқичидаги баҳслар ва битта чорак финал учрашуви ҳам Киевда ўтказилади. Чемпионатнинг плей-офф қисми учрашувлари Украина ва Польша ўртасида тенг тақсимланиши режалаштирилган.



Айтиш жоизки, 2010 йилнинг март ойида УЕФА президенти Мишель Platини агар Украина пойтахтидаги қўшма чемпионати ўтказиладиган асосий майдон қайта таъмирланмаса, Киев чемпионат мезбони бўлиш имкониятини бой бериши мумкинлигини айтганди. Шунинг учун Украина ҳукумати июнь ойидаёқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. «Евро-2012» мусобақалари Киев шаҳрида, шунингдек, Донецк, Львов ва Харьковда ҳам ўтказилади.

ЖАРОҲАТИ ТУШОВ БУЛДИ

Америкалик машҳур теннисчи Винус Уильямс чап тиззасидан олган жароҳати туфайли 2010 йилги мавсумни мuddатидан олдин тугатишга мажбур бўлди, деб хабар берди АП.



Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) томонидан Доҳдада ташкилланган оқик чемпионат матчида Винус иштирок эта олмади. Шунингдек, у Сан-Диегода ўтказиладиган Федерация Кубоги учун кечувчи баҳснинг финал босқичида ҳам қатнаша олмади. Бу турнирда АҚШ терма жамоаси италиялик рақибаларига қарши кортга тушади.


Дунёнинг 3-ракетчасиси, 30 ёшли Винус муолажалар ўз ўрнида олиб борилаётганини, бироқ ҳали белгиланган мuddат якунига етмаганини маълум қилди.

Жорий мавсумда Винус Уильямс Акапулько ва Дубайда ўтказилган яққалик баҳсларида, Австралия очик турнири, «Ролан Гаррос» ҳамда Мадрид очик биринчилигидаги жўфтлик баҳсларида галаба қозонди. Натижада, жами 2,5 миллион доллар жамғаришга муваффақ бўлди.

«ПОРШЕ» ВОСИТАЧИ БУЛМОҚЧИ

«Порше» автоконцернининг янги раҳбари Маттиас Мюллер Париж автосалонларидан биридаги «Формула-1» брендини яна қайтариб олиши мумкинлигини ОАВ ходимларига маълум қилди. Бу ҳақда «Ф-1.иос.ру» электрон манбаси хабар берди.

Айни пайтда «Порше» ва «Ауди» жамоалари «Фолксваген Групп» компанияси билан молиявий аҳолини янада яхшилаб олиш борасидаги музокараларни давом эттириш тарафдори. Содда қилиб айтганда, «Порше» Ф-1 мусобақаларида фаол воситачига айланмоқчи.



Маълумот ўрнида айтиш зарурки, олмон пойга жамоаси «Порше» «Формула-1» таснифига кирувчи автопойга бўйича жаҳон чемпионатида 1957 ва 1962 йилларда бевосита иштирок этганди. 1980 йиллар ўрталарига келиб эса «Макларен» жамоасига, сўнгра 1991 йилдан «Футворк» учун двигателлар ишлаб чиқарган.

Ш.ЖЎРАЕВА тайёрлади.

ДИКҚАТ, ЯНГИЛИК!



Маълумот учун телефонлар:

245-68-40

245-21-93

Жойлашган манзил:

Тошкент ш.

Фурқат кўчаси, 2-уй.

«Chashma print» нашриётида 4-, 5-, 8- ва 9-синфлар «Русский язык» дарсликлари бўйича ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг намунавий дарслар намойиш этилган электрон вариантлари чиқарилди. Ҳар бир синф учун алоҳида дискка жойлаштирилган материалларга қўлланмаларнинг босма нусхалари ҳам илова қилинади.

Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи Ўрта Осиё худудида яшаб ўтган ижодкорларнинг нодир кўлэзма ёдгорликларини — кўп асрлик бебаҳо меросини тўплаш, муҳофаза этиш ва тадқиқ қилишга хизмат қилмоқда. Бу, ёшларга юксак маънавий қадриятларимизни қадрлаш ўзлигини англашда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда музейда ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган экспонатлари таркибида 25 мингдан ортиқ кўлэзма, хужжат, сурат ва нодир археологик топилмалар, тасвирий санъат ва халқ хунармандчилиги намуналари мавжуд.

Демак, ушбу масканда нафақат адабиёт оламига оид билимингизни бойитишнинг, балки санъат, археология, астрономия каби кўплаб соҳаларга тегишли маълумотларга эга бўлишингиз мумкин. Шунданми, уч қаватли музей кўргазма залларининг барчаси билимга чанқоқ ўқувчилар ва бўш вақтини мазмунли ҳамда мақсадли ўтказишни мақсад қилган инсонлар билан тўла.

— Экспозицион залларимизда жуда кўплаб ўқитувчилар адабиёт дарсларини ўтишади, — дейди музей ходимаси Аниса Абдурахмонова. — Айниқса, Алишер Навоий ижодига бағишланган сабоқларни бу ерда ўқувчилар учун жуда мароқли тарзда ташкиллаштириш мум-



БОҚИЙ АДАБИЁТ ҲИКМАТИ


кин. Шунингдек, Навоий бадиияти хоналари мактаб ёшидаги болаларда айниқса катта қизиқиш уйғотиши уларнинг юзу-кўзидан билиниб туради. Музейнинг биринчи қаватидаги экспонатлар асосан Алишер Навоий адабий меросига бағишланган бўлиб, бунда ўша замонга оид биноларнинг макетлари, адабиёт қатори бошқа соҳалар ҳам гуллаб-яшнаган Темурийлар даврига оид хариталар ҳам сақланади.

Зиё масканида адабий асарларни ўқиб, кўз олдингизга келган ўша қахрамонлар, муҳит, асрлар оша ҳам нур сочиб турган маънавият кўеши кўнгилларни нурга белайди. Бундан ташқари, X—XV асрларга оид топилмалар: миллий безаклар намуналари, кўза, шамдон, қаламдон ва лавҳлар санъат олами ҳақида ҳам эртак сўйлаб турганга ўхшайди.

Биринчи хонада Мирзо Улугбек расадхонасининг макети, Афросиёбдан топилган сурат, Шохрух Мирзо портрети каби экспонатларга кўзимиз тушди. Бу ерда Мирзо Улугбекнинг дунё астрономлари даврасидаги сурати киши эътиборини кўпроқ жалб этади. Моҳир рассом М. Бобоев томонидан яратилган суратда эса Алишер Навоийнинг Хусайн Байқаро билан болаликдаги самимий дўстлиги акс эттирилган. Навбатдаги бўлимда Навоийнинг устозлари Лутфий ва Фаридиддин Аттор ижодидан лавҳалар акс этган.

Қолаверса, «Ҳамса» дostonи қахрамонларидан бири Лайли образи туширилган деворий гилам ташриф буюрувчиларнинг эътирофига сазовор бўлади.

Маълумки, Навоий асарлари ўз давридан то бугунга қадар нафақат туркий халқлар ўртасида, балки бутун жаҳондаги кўплаб адабиёт ихлосмандлари томонидан севиб ўқилган, тадқиқ этил-



ган. Буни Алишер Навоий асарларининг кўлэмалари сақланадиган, мазкур нодир асарлар нашр этилган мамлакатлар кўрсатилган махсус харита орқали ҳам билиб олиш мумкин. Қолаверса, дунёнинг жуда кўплаб тилларида турли йилларда чоп этилган китобларнинг намоиш этилиши харитада акс этган фикрни яна бир қарра исботлайди, кўнгилларни ғурурга тўлдиради.




Кейинги зал Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига ҳамда Бобурийлар даврига бағишланган экан. Меҳмонларда кўпроқ Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асарига бағишланган суратлар, Бобур девонининг Рампур нусхаси қизиқиш уйғотишини музей ходимларидан билиб олдик. Энг муҳими, бу бўлимдаги «Бобурнома»нинг турли тиллардаги нусхалари, шоир асарларининг кўлэмаларидан олинган фотонусхалар чинакам салмоқли адабиёт асрлар, замонлар ўтса-да, ёғду сочиб тураверишига яққол далилдир.

Иккинчи ва учинчи қаватдаги кўргазмаларда XVI—XIX аср адабий жараёни акс этган. Ушбу давр ижодкорлари ҳаёти ва ижодига оид экспонатлар ҳар бир ташриф буюрувчига бу борада батафсил маълумот беради.

Хуллас Адабиёт музейидан кўнгилни руҳлантирувчи, маънавий озуқа бөрвчи ва эзгуликларга етакловчи қувват оласиз. Чунки халқнинг миллийлигини акс эттирган адабиёт ўтмишининг бир бўлаги бўлибгина қолмайди, у айнан эзгу ғояларни тарғиб этгани, ўсиб келаётган авлодга миллат билан ҳақли равишда фахрланиш ҳиссини улашгани учун ҳам абадийдир.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Б.РИЗОКУЛОВ ва
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922.
Tiraj 25556.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta ma'xsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
ЎЗА якуни — 21.00